Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 48 (229) • 2009 йил 30 ноябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***24-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг аъзоси О.Шарипов «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторини янада ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг ҳар томонлама муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қишлоқ ва сув хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ғоят муҳим эканлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан қайд этиб ўтилдики, мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартишлар фермер хўжаликларига бериладиган ер участкалари ўлчамларини мақбуллаштиришга, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилгандир. Хусусан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартишлар қонунда фойдаланиладиган асосий тушунчаларни аниқлаштиришга, трансчегаравий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ҳуқуқига таaллуқли аниқ нормалар белгилашга, сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилиш тартибини такомиллаштиришга, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига доир низоларни ҳал этиш тартибини белгилашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаси янги таҳрирда баён этилмоқда. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг айрим нормалари янги таҳрирда баён этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги ҳамда бошқа бир қатор қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаммаси улар қонун ҳужжатларида мақбул тарзда баён этилиши мақсадида депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев тақдим этди. Маърузачи қонун лойиҳасини дастлабки муҳокама қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари киритган ҳамда қабул қилинган таклифлар ҳақида депутатларга ахборот берди. Шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик юритувчи субъектлар ва жамоат бирлашмаларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, улардаги номувофиқликларни бартараф этиш, кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида айрим нормаларни аниқлаштириш бўйича таклифлари инобатга олинди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хил тарзда талқин қилинишига қаратилгандир. Қонун лойиҳасида Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишига қаратилган бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига таклиф этилаётган ўзгартишлардан келиб чиққан бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар томонидан ҳужжатнинг айрим нормаларини аниқлаштиришга қаратилган таклифлар киритилди ва мулоҳазалар билдирилди. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунларни қабул қилди. Қонунлар маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатларга Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Қонун лойиҳаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада эркинлаштиришга қаратилган. Тайинланадиган жазони индивидуаллаштириш ва ҳуқуқий кафолатлар механизмини яратиш мақсадида Жиноят кодексини айбдор шахс астойдил пушаймон бўлган тақдирда, жазо муддати ва миқдорини муайян даражада пасайтиришни назарда тутувчи махсус модда билан тўлдириш таклиф қилинди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамасига ўтилди. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Ж.Ниёзова тақдим этди. Микронутриентлар – инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат моддалари, яъни витаминлар ва минерал моддалардир. Қонун лойиҳасида мазкур соҳадаги давлат сиёсати, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқиш чоғида депутатлар унинг қабул қилиниши ва амалда рўёбга чиқарилиши оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш имкониятини беришини, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама камол топишини таъминлашини таъкидлаб ўтдилар. Қонун лойиҳасининг айрим таърифлари аниқлаштирилди, баъзи нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Моддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

***ЎзА.***

*Қарор ва ижро*

## ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ, ИШОНЧЛИ

***Юртимизда аҳолининг харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишини кенгайтириш мақсадида муайян ишлар олиб борилаётир. Савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини терминаллар билан таъминлаш ишлари изчил давом этмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тегишли низомда банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар ва хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўймаслик қатъий таъкидланган.

Жорий йилнинг 6 августидан кучга кирган ушбу меъёрий ҳужжатга биноан тўлов терминаллари авиа ва темир йўл чипталари сотиладиган кассалар, аҳолидан тўлов қабул қилиш пунктларида мажбурий тартибда ўрнатилиши, уй-жой, коммунал хизматлари кўрсатадиган корхоналарда ташкил этилиши лозим. Шунингдек, телефон хизматлари учун тўлов қабул қиладиган пунктлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ муқим савдо дўконлари, ресторанлар, меҳмонхоналар, алоқа бўлимлари ва бошқалар терминаллар билан таъминланиши даркор.

Маълумотларга кўра, республикамиз бўйича 42 мингдан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектида терминаллар ўрнатилган. Бу рақам кун сайин ўсмоқда. 2010 йилнинг 1 январигача уларнинг сони 60 мингга етиши кўзда тутилган.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар натижасида тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими ва ундан фойдаланиш кўлами тобора кенгаймоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Буни давлат тижорат «Халқ банки» мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкимиз томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар қарийб 290 мингга етди, – дейди мазкур банкнинг пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи Баҳодир Пўлатов. – Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пластик карточкалар сони икки баробар кўпайди, деганидир. «Халқ банки» терминалларининг асосий қисми савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш объектларига ўрнатилган.

Юртимизда «электрон ҳамён» орқали тўловларни амалга ошириш йилдан-йилга ривожланиб бораётгани савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини терминаллар билан таъминлашни янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Буни ҳисобга олган «Халқ банки» жамоаси терминалларни кўпайтириш чораларини кўрмоқда. Банк томонидан қўшимча равишда олинган 2500 донага яқин терминал айни кунларда савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур молия муассасаси томонидан харид қилинган инфокиоска ҳамда банкоматлар жойлардаги банк бўлимларига етказилди. Инфокиоска – пластик карточкага ўтказилган маблағларни карточкага юклаш, «электрон ҳамён» орқали амалга оширилган охирги 20 операция бўйича маълумот олиш ва коммунал тўловларни тўлаш имконини беради.

Яратилаётган бундай қулайликлар натижасида юртимизда банк пластик карточкаларидан фойдаланиш изчил ошмоқда. Шу йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Халқ банки» электрон тўлов воситалари орқали амалга оширилган маблағлар айланмалари 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 7,5 баробар кўпайди.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

УШБУ СОНДА

1-бет — Пластик карточка имкониятлари
2-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
3-8-бетлар — Янги қонун ҳужжатлари
13-бет — Меҳнат дафтарчаси йўқолса...

$1 = 1507,55 сўм € 1 = 2251,38 £1 = 2491,38 сўм ¥10 = 169,62 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ

**аудиторлик ташкилотлари ва ички аудит хизматларининг раҳбарлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги илмий-педагог кадрлар**

**ЭЪТИБОРИГА**

**Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон аудиторлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўмагида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш шароитида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш йўллари» мавзусида республика конференциясини ўтказадилар.**

Конференцияга республика давлат, жамоат-профессионал ва аудиторлик ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва ОАВ вакиллари таклиф этилган.

Конференция ҳозирги босқичда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш муаммоларини муҳокама қилиш ва унинг йўлларини кўриб чиқиш; аудиторлик ташкилотлари учун Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва терроризмни молиялаштириш бўйича ички назорат қоидаларига мувофиқ ишлаш қоидалари ва таомилларини белгилаш; Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини рейтингли баҳолаш услубияти кўрсаткичларини муҳокама қилиш ва тасдиқлашга бағишланади.

Конференцияда Бухгалтер ва аудиторлар кунини белгилаш тўғрисидаги мурожаат хусусида резолюция қабул қилиш мўлжалланяпти.

**Конференцияни ўтказиш санаси ва жойи:**

2009 йил 10 декабрь, бошланиши 9.00 да, «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг катта мажлислар зали (Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45).

**Конференция ишида иштирок этишни хоҳловчиларни қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз:**

(998 71) 234-01-87, 234-19-01, 234-81-99 ва 235-76-51 e-mail:**naba@naaa.uz, auditpalata@mail.ru, minovar@naaa.uz**

(Элеонора Валиева, Гулбаҳор Файзиева, Маҳбуба Эшонқулова, Нодира Яккахўжаеваларга мурожаат қилинг).

Конференцияни ахборот билан қўллаб-қувватлашни «Солиқ ва божхона хабарлари» молиявий-иқтисодий газетаси таъминлайди.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ*




## ЎРТАЧА 1,12 БАРАВАР ОШДИ

**Президентнинг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сон Фармони** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **билан 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:**

иш ҳақи – ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд – ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм **миқдорида белгиланди.**

## ХАВФСИЗЛИККА ДОИР НИЗОМЛАР...

**Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2009 йил 16 ноябрда 2040-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар обороти билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

**2009 йил 26 ноябрдан кучга кирди.**

* * *

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2009 йил 16 ноябрда 2042-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.**

**2009 йил 26 ноябрдан кучга кирди.**

* * *

**«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 19 ноябрда 2045-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

**2009 йил 29 ноябрдан кучга кирди.**

## ...ВА ҚОИДАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2009 йил 16 ноябрда 2043-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.**

**2009 йил 26 ноябрдан кучга кирди.**

## КЎЧМАС МУЛК БАҲОСИ

**Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 18 ноябрда 2044-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш» тасдиқланди.** Ҳужжат билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш меъёрлари ва қоидалари белгиланди, терминлар ва таърифлар, ахборотга қўйиладиган талаблар, баҳолашни ўтказиш тартиби, баҳолаш ёндашувлари ва усуллари ҳамда натижаларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар белгиланган. Қуйидаги кўчмас мулк объектлари 10-сон МБМС *(«Норма маслаҳатчи»-да чоп этилади)* қоидалари татбиқ этиладиган баҳолаш объектларидир: бўш турган (яхшиланмаган) ва иморат қурилган ер участкалари (яхшилашлар амалга оширилган ер участкалари). Объектлар қиймати уларга бўлган мулкий (ашёвий ва мажбурият) ҳуқуқлар, уларга бошқа шахслар ҳуқуқларининг юкланиши ва мазкур ҳуқуқларга доир чеклашларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. 10-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва кўчмас мулк қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ва кўчмас мулк қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир. Ҳужжатга иловада уни қўллашга доир услубий кўрсатмалар келтирилган.

**2009 йил 28 ноябрдан кучга кирди.**

## ҚАЙТА БАҲОЛАШГА ТАЙЁР ТУРИНГ

**Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 19 ноябрда 1192-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Ташкилотларнинг асосий фондларига қайта баҳолаш мақсадида, шунингдек асосий воситалар (илгари ўзининг асосий воситалари) ва молиявий ижара шартномаси, шу жумладан лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (илгари узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар) ҳам киради. Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари қиймати қайта баҳоланмайди, **қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилган ер участкалари бундан мустасно**. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар объектларини қайта баҳолаш натижаларини акс эттириш тартиби ҳамда бюджет ташкилотларида тугалланмаган қурилиш объектлари ва бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган (қурилаётган) ўрнатиладиган ускуналарнинг бошланғич (тикланиш) қийматини қўшимча баҳолаш (арзонлаштириш)ни бухгалтерия проводкалари билан акс эттириш тартиби янги таҳрирда баён этилган. Ҳужжат бюджет ташкилотларида тугалланмаган қурилиш объектлари ва бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган (қурилаётган) ўрнатиладиган ускуналарнинг бошланғич (тикланиш) қийматини қўшимча баҳолаш (арзонлаштириш)нинг бухгалтерия проводкаларини акс эттириш тартибини белгилайдиган меъёр билан тўлдирилди. Белгиланишича, тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиладиган ускуналар қийматини қайта баҳолаш натижалари харажатлар сметасини бажариш тўғрисидаги ҳисобот *(2-сон шакл)*, Бюджет ташкилотини шакллантириш жамғармаси даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисобот *(2-сон шакл – РЖ)*, Тиббиёт ташкилотларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисобот *(2-сон шакл – ТММРРЖ)* ҳамда Бюджетдан ташқари махсус маблағлар бўйича жамғарма даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботда *(2-сон шакл – БММЖ)* акс эттирмаган ҳолда бюджет ташкилотининг даврий бухгалтерия ҳисоботларига илова қилинадиган изоҳли хатда ошкор этилади.

**2009 йил 29 ноябрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 14 ноябрдан 20 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 47-сони асосида тайёрланди.***

**Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 24 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1385,74 | 1 Малайзия ринггити | 446,28 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2491,38 | 1 Польша злотийси | 544,81 |
| 1 Дания кронаси | 302,62 | 1 СДР | 2407,86 |
| 1 БАА дирҳами | 410,44 | 1 Туркия лираси | 1010,02 |
| 1 АҚШ доллари | 1507,55 | 1 Швейцария франки | 1489,97 |
| 1 Миср фунти | 276,36 | 1 ЕВРО | 2251,38 |
| 1 Исландия кронаси | 12,25 | 10 Жанубий Корея вони | 13,05 |
| 1 Канада доллари | 1417,94 | 10 Япония иенаси | 169,62 |
| 1 Хитой юани | 220,83 | 1 Россия рубли | 52,24 |
| | | 1 Украина гривнаси | 188,68 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 25.11.2009 | 1 | 0,8025 | 1 | 1,2034 | 1 | 0,0279 |
| Арманистон | 25.11.2009 | 1 | 386,29 | 1 | 581,10 | 1 | 13,43 |
| Беларусь | 26.11.2009 | 1 | 2740,00 | 1 | 4115,21 | 1 | 95,17 |
| Грузия | 26.11.2009 | 1 | 1,6757 | 1 | 2,5177 | 1 | 5,8202 |
| Қозоғистон | 26.11.2009 | 1 | 148,94 | 1 | 223,72 | 1 | 5,17 |
| Қирғизистон | 21.11.2009 | 1 | 43,7967 | 1 | 65,2965 | 1 | 1,5178 |
| Латвия | 26.11.2009 | 1 | 0,469 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0163 |
| Литва | 26.11.2009 | 1 | 2,3016 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,9905 |
| Молдова | 25.11.2009 | 1 | 11,0856 | 1 | 16,5697 | 1 | 0,3845 |
| Тожикистон | 26.11.2009 | 1 | 4,347 | 1 | 6,4339 | 10 | 1,5061 |
| Ўзбекистон | 24.11.2009 | 1 | 1507,55 | 1 | 2251,38 | 1 | 52,24 |
| Украина | 25.11.2009 | 100 | 799,00 | 100 | 1196,0231 | 10 | 2,7697 |
| Эстония | 25.11.2009 | 1 | 10,4009 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,361352 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:

• **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
– Қулай, фойдали, ишончли *1-бет*
• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *2-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**
– «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МББ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 10 октябрдан 30 октябргача бўлган маълумот.**
*3-8-бетлар*
• **БИЗ ЯШАЁТГАН УЙ**
– Уйимизга тадбиркор қўшни кўчиб келди
– Бадаллар камайтириладими?
– Куз келди дегунча... тос-тоғора тайёрлаймиз
– «Дипломли» ширкат
– Фаровонлик манбаи тежамкорликда
*9-12-бетлар*
• **СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ**
– Бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни кейинга кўчириб бўлмайди
– Меҳнат дафтарчасини йўқотсангиз ҳужжатни тиклашга шошилинг *13-бет*
• **top** *14-16-бетлар*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**
– «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида».
• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МББ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКДнинг «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
• **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАН 30 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА*

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 47-сон, 506-модда)*

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўртача ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 37 680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 37 680 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 16 ноябрь.*

***Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 17 ноябрдаги 223 (4886)-сонида эълон қилинган.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (9-СОН МБМС) «БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ»НИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 44-сон, 475-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 6 октябрь*
*01/19-18/19-сон.*

***2009 йил 7 ноябрдан кучга киради.***

*Ўзбекистон Республикаси*
*Давлат мулки қўмитасининг*
*2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУЛКНИ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (9-СОН МБМС) «БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ»

Мазкур Мулкни баҳолаш Миллий стандарти (9-сон МБМС) Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

### I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 9-сон МБМСнинг мақсади бизнес қийматини баҳолашнинг атама ва тушунчаларни, ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини белгилашдир.

2. 9-сон МБМСда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

**пул оқими** — муайян давр мобайнида актив, активлар гуруҳи, корхона томонидан яратиладиган пул маблағлари оқими;

**инвестицияланган капиталга олинган пул оқими (қарзсиз пул оқими)** — корхона фаолияти молиялаштирилганидан ва зарур капитал қўйилмалар амалга оширилганидан сўнг акциядорлар ва инвесторларга тўланадиган пул оқими;

**хусусий капиталга олинган пул оқими (қарзли пул оқими)** — корхона фаолияти молиялаштирилганидан, капитал қўйилмалар амалга оширилганидан ва қарзли молиялаштириш ҳажмлари ўзгарганидан сўнг қоладиган, акцияларни сақловчиларга йўналтириладиган пул оқими;

**фаразлар** — ҳаққоний деб ҳисобланадиган тахминлар. Фаразлар баҳолаш объектига таъсир этадиган фактлар, шартлар ёки вазиятларни ёки баҳолашга нисбатан текшириш ва тасдиқлаш мумкин бўлмаган ёндашувларни ўз ичига олади;

**ёпиқ корхона** — акцияларга эга бўлмаган ёки акциялари очиқ бозорда сотилмайдиган ва иштирокчилари сони қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган корхона;

**назорат** — корхонани бошқаришга ва унинг сиёсатига таъсир кўрсатиш имконияти;

**назорат улуши** — мулкдаги (корхона устав фондидаги) улуш бўлиб, унинг эгасига корхона устидан назорат қилиш имкониятини таъминлайди;

**мультипликатор** — корхонанинг нархи ёки ўзгача қиймат асоси ва унинг фаолиятини тавсифловчи молиявий, ишлаб чиқариш ёки ашёвий кўрсаткич ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи коэффициент;

**чекловчи шартлар** — қонунчилик, буюртмачи ёки баҳоловчи баҳолашга қўйган чеклашлар;

**очиқ корхона** — акциялари очиқ бозорда сотиладиган ва иштирокчилари сони қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланмаган корхона;

**дисконтлаш ставкаси** — бўлғуси пул тушумларини жорий қийматга айлантириш учун фойдаланиладиган иқтисодий самара ставкаси;

**капиталлаштириш ставкаси** — муайян давр учун даромад миқдорини қийматга айлантириш учун фойдаланиладиган, қоида тариқасида, фоиз ҳисобида ифодаланадиган бўлувчи;

**жорий қиймат** — муайян санада тегишли дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб келтирилган бўлғуси даромадлар қиймати.

### II-БОБ. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ

3. 9-сон МБМСда бизнес (корхона) деганда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган тижорат ташкилоти тушунилади.

4. Қуйидагилар 9-сон МБМС қоидалари татбиқ этиладиган баҳолаш объектлари ҳисобланади:

бизнес (корхона);

бизнесдаги мулк улушлари.

5. 9-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва бизнес (корхона) ёки бизнесдаги мулк улуши қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда

ва бизнес қийматини ёки бизнесдаги мулк улушини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир.

6. 9-сон МБМС хусусийлаштириш мақсадида корхонани (корхонадаги мулк улушини) баҳолашда, шунингдек хусусийлаштириш мақсадида корхонани (корхонадаги мулк улушини) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини текширишда қўлланилмайди.

7. 9-сон МБМСни амалиётда қўллашда ушбу 9-сон МБМСнинг иловасида келтирилган Услубий кўрсатмалардан фойдаланиш лозим.

## III-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СТАНДАРТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИК

8. Бизнес қийматини аниқлашда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади ва баҳолаш таомиллари, ёндашувлари ва усулларини танлашга, шунингдек, якуний қиймат ҳақидаги хулосага жиддий таъсир кўрсатишга қодир.

9. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва мулкни баҳолаш миллий стандартлари кўзлайдиган мақсадлардаги тушунчалар аппаратида, қийматни аниқлаш ва активлар ҳисобини юритишнинг турли хил усулларида ифодаланадиган фарқлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларига улардан келгусида бизнес қийматини аниқлашда фойдаланиш учун тузатишлар киритиш заруриятини белгилайди.

10. Баҳоловчи бухгалтерия ҳисоби атамаларидан фойдаланганда, уларнинг мазмунини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ёритиб бериши лозим.

## IV-БОБ. СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ

11. Бизнес (корхона) қийматини баҳолаш қуйидаги босқичлардан таркиб топади:

баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш.

### 1-§. БАҲОЛАШ ҲАҚИДАГИ ВАЗИФАНИ БЕЛГИЛАШ

12. Баҳолаш ҳақидаги вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан ҳамкорликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

баҳолаш объектининг номи ва тавсифи;

баҳолаш санаси;

баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;

фаразлар ва чекловчи шартлар;

буюртмачи ёки ўзга ваколатли шахс тақдим этиши лозим бўлган бошланғич ахборот рўйхати;

баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолаш ҳақидаги вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

13. Баҳолаш объектининг тавсифи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

хусусий капитали (мулк улуши) баҳоланаётган корхона номини;

баҳоланаётган корхона устав фондидаги мулк улушининг бу улуш нисбий ва мутлақ қийматлари кўрсатилган ҳажмини, акциядорлик жамиятларини баҳолашда эса, бунга қўшимча равишда баҳоланаётган акциялар миқдори ва турини;

корхонанинг жойлашган манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва қайси тармоққа мансублиги ҳақидаги маълумотларни;

корхона устав фондининг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги ахборот, шу жумладан устав фондидаги улушларнинг тақсимланиши, чиқарилган ва эълон қилинган оддий ва имтиёзли акциялар миқдори ҳақидаги қисқача маълумотларни;

баҳолаш объектига бўлган мулкий ҳуқуқлар тавсифини ва кўрсатилган ҳуқуқларга доир чеклашлар ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотларни.

14. Баҳолаш мақсади сифатида буюртмачи баҳолаш натижаларидан ёки баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан нима учун фойдаланишни мўлжаллаётгани кўрсатилади.

15. Бизнес (корхона) ёки ундаги мулк улуши қийматини баҳолашда, агар баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада ёки баҳолаш объектини баҳолаш қайси норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, шу норматив ҳужжатда ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланиши лозим. Бозор қийматидан бошқача қиймат аниқланиши лозим бўлган ҳолатларда қўлланиш сабаблари ҳамда аниқланаётган қиймат ва бозор қиймати ўртасидаги фарқлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этилиши ва ёритиб берилиши лозим.

### 2-§. АХБОРОТ ЙИҒИШ ВА УНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

16. Баҳоловчи баҳолаш ёндашувлари ва усулларини асосли равишда танлаш ва қўллаш учун зарур ва етарли бўлган ҳажмда баҳолаш объекти ҳақида ахборот ва бозор ҳақида ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни амалга оширади.

17. Қуйидагилар баҳолаш объекти ҳақидаги ахборот манбалари ҳисобланади:

буюртмачи ёки ўзга ваколатли шахс томонидан тақдим этиладиган бошланғич ахборот;

баҳоловчи корхонани кўздан кечириш жараёнида ҳамда корхона раҳбарияти ва мутахассислари билан суҳбатлашиш натижаларига кўра олган ахборот;

учинчи шахслар ва ташкилотлардан олинган, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилинган ахборот.

18. Бошланғич ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

баҳолаш санасида киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олган корхона устави нусхасини;

юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини;

акциядорлар реестри нусхасини (акциядорлик жамиятлари учун);

баҳоланиши лозим бўлган корхона устав фондидаги улуш, шу жумладан ҳуқуқлар, имтиёзлар ва шартлар, миқдор кўрсаткичлари, назоратга таъсир этадиган омиллар ва сотиш ёки топширишни чеклайдиган битимлар ҳақидаги маълумотларни;

корхона, унинг тарихи, режалари ва ривожланиш имкониятлари ҳақидаги умумий маълумотларни;

корхонанинг ташкилий тузилиши ҳақидаги маълумотларни;

корхона мулкининг таркиби ҳақидаги маълумотларни;

ўтган ва жорий даврлар учун корхона молиявий ҳисоботини;

асосий фаолият ҳақидаги маълумотларни (даромадлар ва харажатлар тузилиши);

бошқа турдаги фаолият ҳақида маълумотларни (даромадлар ва харажатлар тузилиши);

ўтган ва жорий даврлар учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги маълумотларни.

Тақдим этилаётган бошланғич ахборот корхона раҳбариятининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим ва шу ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб, баҳоловчи бошланғич ахборот рўйхатини кенгайтириши ёки баҳолашни амалга ошириш жараёнида керакли ахборотни талаб қилиб олиши мумкин.

19. Баҳоловчи қўшимча равишда бозор ҳақида қуйидаги ахборотни йиғиши ва таҳлил қилиши лозим:
миллий иқтисодиётнинг ҳолати ва унинг мазкур корхонага таъсири ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган макроиқтисодий ахборотни;
корхона жойлашган минтақа ҳақидаги ахборотни;
корхона мансуб бўлган бозор ва (ёки) бозор сегменти ҳақидаги ахборотни.
20. Йиғилган ахборот асосида баҳоловчи кўриб чиқилаётган давр учун корхона молиявий ҳисоботи маълумотларини таҳлил қилишни амалга ошириши лозим. Ушбу таҳлил бухгалтерия балансларини, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботларни ва молиявий коэффициентларнинг асосий тоифаларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.
Зарур ҳолда баҳоловчи тармоқнинг ўхшаш корхоналари ёки тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан қиёсийликка ва корхона пул оқимларини прогноз қилишда қўлланишга яроқлиликка эришиш учун молиявий ҳисоботни меъёрга солишни — баҳоланаётган бизнес қийматига жиддий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар бўйича тузатиш киритишни амалга оширади. Тузатишларни киритиш учун асослар ва уларнинг қўлланиши баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

### 3-§. БАҲОЛАШ ЁНДАШУВЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИ ТАНЛАШ, АСОСЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ

21. Баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда баҳоловчи баҳолашнинг даромад ҳақида, қиёсий ва харажат ҳақида ёндашувларидан фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим.
22. Ҳар бир баҳолаш ёндашуви доирасида 9-сон МБМСда белгиланган усулларни танлашни баҳоловчи баҳолаш мақсади, баҳолаш объектининг хусусияти ва ривожланиш имкониятлари, чекловчи шартлар, ахборот базаси мавжудлиги ва унинг тўлиқлигини ҳисобга олиб мустақил амалга оширади.
23. Баҳолаш объекти қийматини даромад ёндашуви билан баҳолаш учун баҳоловчи баҳолаш объектидан кутилаётган даромадларни баҳолаш санасида қийматнинг ягона миқдорига ўзгартиришга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:
пул оқимларини дисконтлаш усули — баҳолаш объекти қиймати баҳолаш санасида дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилган прогноз давридаги ва прогноз давридан кейинги пул оқимларини қўшиш йўли билан аниқланади;
даромадни капиталлаштириш усули — баҳолаш объекти қиймати айрим давр мобайнида олинган даромад миқдорини шу даромадга мувофиқ бўлган капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан аниқланади.
24. Пул оқимларини дисконтлаш усулини қўллашда баҳоловчи:
пул оқими турини танлаши;
прогноз даври муддатини белгилаши;
даромадлар ва харажатларни таҳлил ва прогноз қилишни амалга ошириши;
прогноз даврининг ҳар бир босқичи учун пул оқими ҳажмини ҳисоблаши;
дисконтлаш ставкасини аниқлаши;
баҳолаш объекти қийматининг прогноз давридан кейинги ҳажмини ҳисоблаши;
баҳолаш объектининг жорий қийматини ҳисоблаши;
якуний тузатишлар киритиши лозим.
25. Корхона капиталининг тузилишига (хусусий капитал ва жалб қилинган капиталнинг ўзаро нисбатига) қараб, баҳоловчи хусусий капиталга олинган пул оқимидан ёки инвестицияланган капиталга олинган пул оқимидан фойдаланади. Бу пул оқимлари солиқ тўланишидан олдинги ёки солиқ тўланганидан кейинги ҳолатга кўра, номинал ёки реал суммаларда ҳисобланади.
26. Тугаганидан сўнг:
ё корхона даромадининг ўзгариш суръатларини барқарорлаштириш;
ё корхонани сотиш ёки тугатиш мўлжалланаётган давр прогноз даври сифатида олинади.
27. Хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкаси қуйидаги усуллардан бири ёрдамида ҳисобланади:
капитал активларни ҳисоблаш усули;
кумулятив тузиш усули;
дисконтланган пул оқимини таҳлил қилиш усули.
Инвестицияланган капиталга олинган пул оқимига дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш учун капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати усули қўлланилади.
Дисконтлаш ставкаси танланган пул оқимига мувофиқ бўлиши лозим.
28. Баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қийматини аниқлаш қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:
агар пул оқимларини барқарорлаштириш мўлжалланаётган бўлса, прогноз даври тугаганидан кейин биринчи йил пул оқимини Гордон моделига мувофиқ капиталлаштириш йўли билан;
агар прогноз даври тугаганидан кейин бизнесни сотиш мўлжалланаётган бўлса, соф активлар қиймати бўйича ёки мўлжалланаётган қайта сотиш нархи бўйича;
агар прогноз даври тугаганидан кейин бизнесни тугатиш мўлжалланаётган бўлса, тугатиш қиймати бўйича.
29. Баҳолаш объектининг жорий қиймати прогноз даври пул оқимларининг жорий қийматлари ва бизнеснинг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қиймати йиғиндиси сифатида ҳисобланади.
30. Баҳоловчи қуйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):
пул оқимини шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига;
хусусий айланма капиталнинг ортиқчалиги ёки тақчиллигига;
агар баҳолаш объекти мулкдаги улуш бўлса, назорат ва ликвидлик даражасига.
31. Даромадни капиталлаштириш усулини қўллаганда баҳоловчи:
ўтган даврдаги ва жорий молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш ва зарур ҳолда уни меъёрга солишни амалга ошириши;
капиталлаштириладиган даромад тури ва ҳажмини танлаши;
капиталлаштириш ставкасини ҳисоблаши;
баҳолаш объектининг жорий қийматини аниқлаши;
якуний тузатишлар киритиши лозим.
32. Даромаднинг қуйидаги турларидан бири капиталлаштириладиган даромад сифатида олинади:
соф даромад;
солиқлар тўлангунга қадар бўлган даромад;
реализациядан келган тушум;
соф пул оқими;
дивидендлар.
Даромад номинал ёки реал суммаларда ҳисобланади.
33. Капиталлаштирилиши лозим бўлган даромад ҳажми сифатида баҳолаш санасидан кейинги йил учун бўлғуси даромад ҳажми олинади ва у қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:
жорий даромадлар усули билан;
даромаднинг оддий ўртача ҳажмини ҳисоблаш усули билан;
даромаднинг ўртача ўлчанган ҳажмини ҳисоблаш усули билан;
тренд усули (статистик усул) билан.
34. Капиталлаштириш ставкаси танланган даромад турига мувофиқ бўлиши лозим ва у:
ўхшаш объектлар бўйича битимлар ёки таклифлар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда бозор экстракцияси усули билан;
дисконтлаш ставкасида даромад ўзгаришининг доимий суръатини ҳисобга олиш йўли билан ҳисобланади.
35. Баҳолаш объектининг қиймати даромаднинг тан-

ланган ҳажмини капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

36. Баҳоловчи қуйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):

даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига;

агар баҳолаш объекти мулкдаги улуш бўлса, назорат ва ликвидлик даражасига.

37. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашув билан баҳолаш учун баҳоловчи ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархларини таққослашга асосланган қуйидаги усулларни қўллайди:

ўхшаш корхоналар акцияларининг бозор нархлари таҳлилига асосланган капитал бозори усулини;

баҳоланаётган бизнесдаги мулк улушлари билан олди-сотди қилишга доир ахборот таҳлилига асосланган баҳоланаётган корхона бўйича битимлар усулини;

баҳоланаётган корхона акцияларининг фонд бозоридаги котировкалари ҳақидаги ахборот асосида тўғридан-тўғри капиталлаштириш усулини.

Ахборотнинг мавжудлигига ва мавжуд ахборотнинг тўлиқлигига қараб, баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолаш учун қиёсий ёндашувнинг бир ёки ундан ортиқ усулларини қўллайди.

38. Қиёсий ёндашувдан фойдаланганда баҳоловчи:

ўхшаш корхоналарни танлашни амалга ошириши;

корхоналарни таққослаш параметрларини аниқлаши ва мультипликаторларни ҳисоблашни амалга ошириши;

мультипликаторлар қийматини танлашни амалга ошириши ва баҳолаш объекти қийматини аниқлаши;

якуний тузатишларни киритиши лозим.

Ўхшаш корхона деб баҳоланаётган корхонага асосий иқтисодий кўрсаткичларга кўра ўхшаш ва айни бир тармоққа мансуб бўлган корхона ҳисобланиши лозим.

39. Ўхшаш корхоналарни танлаш:

ўхшаш корхоналар ёки уларнинг акциялари (мулкдаги улушлари)нинг амалдаги сотув нархлари ҳақидаги бозор ахборотининг;

ўхшаш корхоналар молиявий ҳисоботи ва (ёки) ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларининг;

таққосланаётган объектлар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқни аниқлаш ва қиёсийликни таъминлаш учун зарур тузатишлар киритиш имкониятини берадиган қўшимча маълумотларнинг таҳлили асосида амалга оширилади.

Ўхшаш корхоналар ёки уларнинг акциялари (мулкдаги улушлари)нинг амалдаги сотув нархлари ҳақида ахборот бўлмаган ҳолда, савдо жараёнида нархнинг пасайишига чегирма ҳисобга олинган ҳолда таклиф нархлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилади.

40. Мультипликаторни ҳисоблаш учун:

ўхшаш корхоналар учун сотув нархини ёки ўзгача қиймат асосини аниқлаш;

ўхшаш корхоналарнинг мос келадиган молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичларни танлаш лозим.

Мультипликаторларда ҳисобга олинадиган молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичлар баҳоланаётган корхона ва таққосланаётган корхоналар учун баҳолаш санасига нисбатан айни бир даврда ёки айни бир давр учун ҳисобланиши лозим.

41. Баҳолаш объектининг қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш йўли билан аниқланади.

42. Баҳоловчи қуйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):

агар қиймат базаси сифатида инвестицияланган капиталдан фойдаланилган бўлса, узоқ муддатли қарздорликка;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллигига (ортиқчалигига);

даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига;

ишлаб чиқаришнинг ноқулай диверсификациясига (портфель скидка);

ликвидликка (ёпиқ корхона очиқ аналоглар бўйича баҳоланган ҳолда);

назорат даражасига.

43. Бизнес қийматини харажат ёндашуви билан баҳолашда баҳоловчи баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатларга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

соф активлар усули — бизнес қиймати корхона барча активларининг бозор қийматлари ва унинг мажбуриятлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;

тугатиш қиймати усули — бизнес қиймати корхона тугатилганда унинг мулкдори олиши мумкин бўлган мулкнинг қиймати ва тугатиш харажатлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

44. Соф активлар усулини қўллаганда баҳоловчи:

корхонанинг баҳолаш санасидаги охирги бухгалтерия баланси бўйича активлар ва мажбуриятлар таркибини ўрганиши;

балансда ҳисобга олинмаган активлар ва мажбуриятлар бор-йўқлигини аниқлаши;

активлар ва мажбуриятлар бозор қиймати бўйича ҳисобга олинадиган баҳолаш балансини тузиши;

баҳолаш балансига мувофиқ активлар суммасининг бозор қийматини ва мажбуриятлар суммасининг бозор қийматини аниқлаши;

корхона хусусий капитали қийматини активларнинг бозор қийматидан мажбуриятларнинг бозор қийматини айириш йўли билан аниқлаши лозим.

Мажбуриятларнинг бозор қиймати, қоида тариқасида, уларнинг жорий қийматига тенгдир.

45. Тугатиш қиймати усулини қўллаганда баҳоловчи:

корхонанинг баҳолаш санасидаги охирги бухгалтерия баланси бўйича активлар ва мажбуриятлар таркибини ўрганиши;

балансда ҳисобга олинмаган активлар ва мажбуриятлар бор-йўқлигини аниқлаши;

корхона активларининг жорий қийматини уларнинг бозор қиймати негизида (тегишли активга хос бўлган сотув муддати билан солиштирганда) қисқартирилган сотув муддатига скидкани инобатга олган ҳолда ҳисоблаши;

тугатиш харажатларини аниқлаши;

активларнинг жорий қийматидан тугатиш харажатларини айириб ташлаши ва тугатиш даврининг операцион даромади (кўрилган зарар)ни (агар у мавжуд бўлса) қўшиши (айириши);

корхона мажбуриятларининг жорий қийматини ҳисоблаши;

корхонанинг тугатиш қийматини активларнинг тузатиш киритилган жорий қиймати ва корхона мажбуриятларининг жорий қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқлаши лозим.

### 4-§. ҚЎЛЛАНИЛГАН ЁНДАШУВЛАР ДОИРАСИДА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БАҲОЛАШ ОБЪЕКТИНИНГ ЯКУНИЙ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ

46. Баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш учун баҳоловчи қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Турли хил ёндашувлар билан олинган баҳолаш натижалари ўртасида жиддий тафовут мавжуд бўлса, баҳоловчи олинган тафовут сабабларининг таҳлилини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтириши лозим. Баҳолаш натижасининг юқори чегарасидан 30 фоиздан ортиқ қийматга эга бўлган тафовут жиддий тафовут деб ҳисобланиши лозим.

47. Мувофиқлаштириш, қоида тариқасида, турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган баҳолаш натижалари учун солиштирма ўлчовларни аниқлаш орқали амалга оширилади, бунда баҳоловчи:

баҳолаш мақсадини ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжалини;

баҳоланаётган бизнес ва унинг активлари хусусиятини;

қиймат турини;

баҳолаш ёндашувларини қўллашда фойдаланилган ахборот ҳажми ва сифатини;

мулк улуши баҳоланган ҳолда — қўшимча тарзда бу улуш ҳажми, назорат даражаси ва ликвидликни ҳисобга олиши лозим.

48. Мувофиқлаштириш усули ва солиштирма ўлчовларнинг танланиши, шунингдек, бунда баҳоловчининг барча мулоҳазалари ва фаразлари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

49. Баҳолаш объектининг якуний қиймати пул ҳисобида ягона катталик сифатида ифодаланиши лозим.

## 5-§. БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ

50. Баҳолаш натижалари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қиймати хусусидаги йиғилган ахборот ва ҳисоблашлар асосида тасдиқланган профессионал мулоҳазасини ўз ичига олган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот сифатида расмийлаштирилиши лозим.

51. Ҳисобот баҳолаш миллий стандартлари талабларига мувофиқлик ҳақидаги баёнотни ва улардан ҳар қандай четга чиқиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

52. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим:

баҳолаш объекти қийматини аниқлаш учун етарли бўлган барча очиқ ахборот ҳисоботда баён этилиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни мазкур ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитмаслиги, шунингдек, ҳар хил талқинларга йўл қўймаслиги керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ифодаланган материаллар таркиби ва кетма-кетлиги, баҳолаш жараёни тавсифи, ҳисоблашлар ва уларга изоҳлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига қийматни ҳисоблашни амалга ошириш имкониятини бериши ва уни айни шу натижаларга келтириши лозим;

баҳолаш жараёнида оралиқ ва якуний натижаларни аниқлашда фойдаланилмаган ахборот, агар у баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига биноан мажбурий бўлмаса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши мумкин эмас.

53. Бизнес қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);

баҳолаш ҳақидаги вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар;

мамлакат ва минтақадаги умумий иқтисодий вазият тавсифи;

баҳолаш объекти мансуб бўлган тармоқ ва бозор тавсифи;

бизнес (корхона) тавсифи;

корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари таҳлили;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи;

баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

иловалар.

54. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан саҳифама-саҳифа рақамланган ва имзоланган, ипдан ўтказилган, шунингдек баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва шу ташкилот муҳри билан тасдиқланиши лозим.

55. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалар баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида фойдаланган ҳужжатларнинг нусхаларини, шунингдек, баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва фуқаролик мажбурияти суғурта полисининг нусхаларини ўз ичига олиши лозим.

## V-БОБ. ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

56. Бизнесда мулк улушлари қийматини аниқлашда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш лозим:

бизнесда мулк улушлари назоратли ёки назоратсиз хусусиятга эга бўлиши мумкин;

баҳоланаётган мулк улушининг назорат ҳуқуқини акс эттириш учун назорат даражасини, мулкни тақсимлаш самарасини, мулкдорлар иттифоқини тузиш имкониятини, овоз бериш тартибини, дивидендлар тўлаш билан боғлиқ чеклашларни, корхонанинг молиявий аҳволини ҳисобга олувчи турли хил мукофотлар ва чегирмалар қўлланилади;

киритиладиган чегирмалар ёки мукофотлар ҳажми баҳолаш усуллари билан ҳам, корхона типи (очиқ, ёпиқ) билан ҳам белгиланади.

57. Харажат ва даромад ёндашувларнинг усуллари билан ҳамда қиёсий ёндашувнинг тармоқлар ўзаро нисбати усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг мутлақ назорат ҳуқуқига эга бўлган (75 фоиздан ортиқ) назоратли улуши қиймати, корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида;

мулкнинг мутлақ назорат ҳуқуқига эга бўлмаган назоратли улуши қиймати, назорат айрим элементлари йўқлигига скидка чегириб ташланган корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати, назорат йўқлигига скидка чегириб ташланган корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида.

58. Қиёсий ёндашувнинг билимлар усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг назоратли улуши қиймати. Мулкнинг баҳоланаётган улуши ҳажми аналоглардан фарқ қилган тақдирда, олинган қийматга назорат айрим элементлари мавжудлиги ёки йўқлигига мукофотлар ёки чегирмалар қўлланади;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати, бунда олинган қийматга назорат йўқлигига скидка қўлланади.

59. Қиёсий ёндашувнинг капиталлар бозори усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг назоратли улуши қиймати, бунда олинган қийматга назорат мавжудлигига мукофот қўлланади;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати.

60. Даромад ёндашувнинг баҳолаш объекти даромадларинигина ҳисобга оладиган усуллари қўлланилган ҳолда назорат мавжудлигига мукофотлар ёки назорат йўқлигига скидкалар қўлланмайди.

61. Очиқ корхоналар билан ёки ёпиқ корхоналардаги назоратли улушлар билан таққослаганда ёпиқ корхоналардаги назоратсиз улушларда ликвидликнинг тақчиллиги қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобга олинади:

дисконтлаш ставкасини ошириш билан;

ликвидликнинг тақчиллигига скидкани ҳисоблаш билан.

62. Назоратсиз улуш қийматига назорат учун мукофотни қўшиш, назоратли улуш қийматида эса назоратнинг озлигига скидкани ҳисобга олиш лозим бўлган ҳолларни аниқлаш учун баҳоловчи корхонада мулк улушларининг тақсимланишини таҳлил қилиши лозим.

63. Чегирмалар ёки мукофотларнинг қўлланишини баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослаб бериши лозим.

64. Мулкий мажмуа сифатидаги корхона ёки унинг бир қисми қийматини баҳолаш фақат харажат ҳақида ёндашув усуллари билан амалга оширилади.

## VI-БОБ. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

65. Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган фойдаланувчилари баҳолаш жараёни мантиқи-

ни ва баҳолаш объектининг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи бажарган амалларнинг аҳамиятини тушуна олсинлар.

66. Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

67. Баҳолашда фойдаланилган ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ахборот унинг манбасига ишорага эга бўлиши лозим, бунда мазкур манба ёзма ёки оғзаки эканлиги аҳамиятсиз.

### VII-БОБ. СТАНДАРТДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ ШАРТЛАРИ

68. 9-сон МБМСнинг баҳолаш жараёни ва олинган натижани баён этиш, баҳолашга ва якуний қиймат ҳақидаги хулосага дахлдор бўлган ҳар қандай фаразлар ва чекловчи шартларни ошкор этиш билан боғлиқ талабларидан бирон-бир тарзда четга чиқилишига йўл қўйилмайди.

69. Баҳолаш талаблари мазкур стандарт талабларидан фарқ қиладиган норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилган тақдирда, баҳоловчи мазкур фарқларни, аниқланаётган қиймат турини танлашга уларнинг таъсирини аниқлаши ва олинган натижани қўллашга чеклашлар белгилаши лозим.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,*
*БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 44-сон, 476-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***2009 йил 7 ноябрдан кучга киради.**

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*23/5-сон*

***Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи***
***З.ДЎСАНОВ.***
*31-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5, 31-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИ (КЎЧИРМА)**

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) қонунларига мувофиқ нобанк кре-

***Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

дит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш тартибини белгилайди.

## II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

7. Ички назорат тизими нобанк кредит ташкилоти фаолиятининг жиҳатлари, асосий йўналиши, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ хатарлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

8. Ички назорат тизими тузилмаси, шу жумладан, нобанк кредит ташкилотининг филиалларидаги тузилмаси ташкилотнинг юқори ёки кузатув бошқарув органининг қарори билан белгиланади ва Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим.

9. Ички назорат нобанк кредит ташкилотининг юқори ёки кузатув органи томонидан тайинланадиган масъул ходим ёки нобанк кредит ташкилотининг Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари, шунингдек, ташкилотнинг ҳар бир филиалидаги масъул ходим томонидан амалга оширилади.

## III. МИЖОЗЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ

21. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

кредит уюшмаси аъзолари таркибига кириш тўғрисидаги аризани олганда;

грант ва бошқа текин тақдим қилинувчи маблағларни олганда;

қарз ва кредитларни олганда (жалб қилганда);

таъсисчилар таркибига янги шахслар кирганда;

мижоз қарз, кредит ёки лизинг хизматини олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, агар аввал бундай мижозни лозим даражада текшириш амалга оширилмаган бўлса ёки мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозни қайтадан лозим даражада текшириш амалга оширилиши талаб қилинса;

мижоз мулкни ломбардда сақлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

б) энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлган суммага бир марталик операциялар амалга оширилганда;

в) шубҳали операциялар амалга оширилганда;

г) мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда.

22. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиклигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

23. Нобанк кредит ташкилоти томонидан мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек, операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

24. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада кучини йўқотмаган бўлиши шарт.

25. Нобанк кредит ташкилоти томонидан жисмоний шахс — мижозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, нобанк кредит ташкилоти мустақил равишда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши лозим.

26. Юридик шахс — мижозларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда нобанк кредит ташкилотлари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Агар мижоз ёки мижознинг ҳақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди.

27. Нобанк кредит ташкилоти юридик шахс — мижозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, мижознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

мижоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

мижоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

28. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

29. Мижозни ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди, агар ушбу мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгаси мазкур Қоидаларга мувофиқ нобанк кредит ташкилоти томонидан аввал индентификацияланган бўлса.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аниқлигига гумон туғилган ҳолларда амалга оширилиши лозим.

30. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда нобанк кредит ташкилоти олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган, мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) билан солиштириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда нобанк кредит ташкилоти мазкур Қоидаларнинг VIII бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

31. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда мижозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахс бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўралаётган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

32. Нобанк кредит ташкилотларига қуйидагилар тақиқланади:

аноним (номи кўрсатилмаган ҳолда) шахсларга, яъни депозит очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томо-

нидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, депозит очиш (кредит уюшмаларида);

депозит очувчининг шахсан ўзи ёхуд унинг вакили мавжуд бўлмаган ҳолда жисмоний шахсларга депозит очиш (кредит уюшмаларида);

кредит олувчининг шахсан ўзи ёхуд унинг вакили мавжуд бўлмаган ҳолда микрокредит ёки микроқарз бериш;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мулкларни сақлаш учун қабул қилиш (ломбардларда);

33. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришмаслиги ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки билан боғлиқ операцияларни амалга оширмаслиги, ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

## IV. ГУМОНЛИ ВА ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР МЕЗОНЛАРИ ВА АЛОМАТЛАРИ

34. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

1) мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажарилиши (мажбуриятларда шахсларнинг ўзгариши);

2) учинчи шахс номига очилган депозитга пул маблағлари киритилиши;

3) энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишида кредит ёки қарз олиниши;

4) жисмоний ёки юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг операцияда иштирок этишлари;

5) операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан операция бажарувчи томонлардан бири ҳақидаги маълумотлар нобанк кредит ташкилотида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

6) операцияни амалга ошириш учун ариза билан мурожаат қилинганда мижознинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиш, мижознинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

7) мижознинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки нобанк кредит ташкилоти томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларни мижоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида ноўрин кечиктирилиши;

8) амалга оширилаётган операция бўйича мижоз ҳамкорларини аниқлаш имкони йўқлиги;

9) операция иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ҳамда юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор — мижоз фаолиятининг тавсифига ва турига мувофиқ келмаслиги;

10) мижоз томонидан операция амалга оширилишини асосланмаган ҳолда тезлаштиришни талаб қилиниши;

11) нобанк кредит ташкилоти иштирокида мижоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул қилинган амалиётига аниқ номувофиқлиги;

12) мижоз томонидан операциянинг аввал келишилган амалга ошириш схемасига унинг ижро қилинишини бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган жиддий ўзгартиришлар киритилиши.

35. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

1) операция бажарувчи томонлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

2) нобанк кредит ташкилоти томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция.

36. Ички қоидалар билан гумонли операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

## V. АЛОҲИДА ҲОЛЛАРДА ХАБАР ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАР МЕЗОНЛАРИ

37. Операция бажарувчи томонларидан бири қуйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганида ҳар қандай операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

## VI. ХАТАР ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

38. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, Ички назорат хизмати мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишини баҳолаши ва тегишли (юқори ёки паст) хатар даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда — хатар даражаси).

39. Нобанк кредит ташкилоти аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан нобанк кредит ташкилоти кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

г) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

д) ҳақиқий эгаси мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

е) мунтазам равишда (масалан, 3 ой давомида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

ж) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

40. Нобанк кредит ташкилоти қуйидаги мезонларга

жавоб берадиган операцияларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 39-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

41. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгарилишига қараб, нобанк кредит ташкилоти, зарур ҳолларда, у билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Нобанк кредит ташкилотлари барча мураккаб, ғайриоддий йирик миқдордаги операцияларга, шунингдек, иқтисодий ёки қонуний мақсадсизлиги аниқ бўлган операцияни ғайриоддий амалга ошириш схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

## VII. ГУМОНЛИ ВА ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ

42. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек, мижоз билан ишлаш бўйича белгиланган хатар даражаси операцияларнинг мижоз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун ўтказиладиган мижозлар томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мониторингига асос бўлиб ҳисобланади.

43. Мижозлар операцияларининг жорий текшируви нобанк кредит ташкилотининг мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) тегишли ходимлари томонидан, лавозим мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур ходимлар, гумонли операциялар аниқланган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига, масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига ёзма равишда зудлик билан хабар беришлари шарт.

Мижозлар операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим ёки Ички назорат хизмати томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мижознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

44. Гумонли операциялар аниқланганда нобанк кредит ташкилотининг мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизматининг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан мижозга мурожаат қиладилар.

45. Мижоз ва гумонли операция тўғрисидаги маълумотлар янада ўрганиб чиқилиши учун масъул ходимга ёки Ички назорат хизмати раҳбарига ёхуд нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходимига тақдим этилади.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходими мижоз ва операция тўғрисидаги маълумотларни ўрганади ҳамда уларни Ички назорат хизмати раҳбарига юборади.

46. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари мижоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қилади.

47. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолда мазкур Қоидаларда белгиланган шубҳали операцияларнинг мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

48. Мижоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари нобанк кредит ташкилотининг мижозга нисбатан келгуси ҳаракатлари юзасидан, шу жумладан:

Департаментга шубҳали операция тўғрисида хабар бериш;

нобанк кредит ташкилотининг тегишли раҳбарларини ва унинг мижозлар билан бевосита фаолият юритадиган мутасадди бўлинмалари раҳбарларини операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида маълум қилиш;

мижоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

мижоз билан ишлаш хатар даражасини қайта кўриб чиқиш;

мижоз билан операциялар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти;

қонун ҳужжатларига ва мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ шартнома муносабатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шубҳали операция ҳақидаги хабар нобанк кредит ташкилоти томонидан у аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ Департаментга берилади.

49. Ҳар бир хабар берилиши тўғрисидаги маълумот масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналида қайд этиб борилади.

50. Нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек, тегишли операцияни шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

## VIII. АЛОҲИДА ҲОЛЛАРДА ХАБАР БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАР АНИҚЛАНГАНДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

51. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида, ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир маротабалик операцияларни ўтказишда масъул ходимда ёки Ички назорат хизматида мазкур Қоидаларга мувофиқ операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари қуйидагилар бўйича чора-тадбирларни кўришлари лозим:

мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

операция ҳақидаги маълумотни масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналига киритиш.

52. Операцияни тўхтатиш фақатгина нобанк кредит ташкилотида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади.

53. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Мижоз топшириғи операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек, операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек, ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

54. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, нобанк кредит ташкилоти уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАН 30 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 7 сентябрдаги 170-сонли буйруғи.*

***2009 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2015 (2009 йил 22 октябрдан кучга киради).***

2. «Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 7 сентябрдаги 169-сонли буйруғи.*

***2009 йил 12 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2016 (2009 йил 22 октябрдан кучга киради).***

3. «Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор»ни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 15 сентябрдаги 90, 81, 01/19-18/18-сонли қарори.*

***2009 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1372-1 (2009 йил 24 октябрдан кучга киради).***

4. «Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 15 сентябрдаги 91, 82, 13-сонли қарори.*

***2009 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2017 (2009 йил 24 октябрдан кучга киради).***

5. «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 14 октябрдаги 229-мх-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2018 (2010 йил 1 январдан кучга киради).***

6. «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59 Қ/Қ, 96-сонли қарори.*

***2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2019 (2009 йил 26 октябрдан кучга киради).***

7. «2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг 2009 йил 13 октябрдаги 37-сонли буйруғи.*

***2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1597-2 (2009 йил 26 октябрдан кучга киради).***

8. «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10, 39-сонли қарори.*

***2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020 (2009 йил 29 октябрдан кучга киради).***

9. «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/I, 2009-28-сонли қарори.*

***2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021 (2009 йил 29 октябрдан кучга киради).***

10. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 24 августдаги 167-сонли буйруғи.*

***2009 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022 (2009 йил 30 октябрдан кучга киради).***

11. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 299-сонли буйруғи.*

***2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1784-1 (2009 йил 2 ноябрдан кучга киради).***

12. «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/6, 32-сонли қарори.*

***2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023 (2009 йил 2 ноябрдан кучга киради).***

13. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Дав-*

*лат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27, 325-сонли қарори.*

***2009 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024 (2009 йил 6 ноябрдан кучга киради).***

14. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/20-сонли қарори.*

***2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).***

15. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сонли қарори.*

***2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).***

16. «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5, 31-сонли қарори.*

***2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).***

17. «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 30 сентябрдаги 95, 85, 6-сонли қарори.*

***2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2028 (2010 йил 1 январдан кучга киради).***

18. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/2-сонли қарори.*

***2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 673-2 (2009 йил 9 ноябрдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Биржа котировкалари (кимошди савдолари) ўртача нархларини белгилаш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1372, 2004 йил 22 июнь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 14 октябрдаги 227-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидалари ва ушбу Қоидаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1597, 2006 йил 19 июль), (рўйхат рақами 1597-1, 06.03.2007 й.).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 16 октябрдаги 231-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тўғрисида низом, *1-сон ўзгартишлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 673, 1999 йил 15 март), (рўйхат рақами 673-1, 2004 йил 29 март).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 30 октябрдаги 242-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясини метеорология хизматлари билан таъминлаш» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-180)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***




**МУНДАРИЖА:**


✓ Уйимизга тадбиркор қўшни кўчиб келди
✓ Бадаллар камайтириладими?
✓ Куз келди дегунча... тос-тоғора тайёрлаймиз
✓ «Дипломли» ширкат
✓ Фаровонлик манбаи тежамкорликда


Нуқтаи назар

# УЙИМИЗГА ТАДБИРКОР ҚЎШНИ КЎЧИБ КЕЛДИ

### ПСИХОЛОГИК ОМИЛ

Турар жой ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ўртасида шартнома тузилаётганда тез-тез муаммолар чиқиб туради. Муаммолардан бири, масалан яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори билан шартнома тузилган, лекин у ҳаддан ташқари ошириб юборилган деган важ билан бадалларни тўлашни истамайди. «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан буён матнда Қонун деб юритилади)* белгиланишича, турар жой ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари учун бадаллар миқдори бир хил бўлиши керак. Қонуннинг 6-моддасида айтиладики, яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши мулкдорга қарашли яшашга мўлжалланмаган жойнинг уй умумий майдонидаги сахнига мутаносиб тарзда белгиланади. Бироқ ХУМШларнинг аксариятида бундай мулкдорлар ширкат аъзоларига қараганда бадалларни кўпроқ тўлайдилар. Агар ХУМШ тадбиркорлар учун оширилган тарифни асослаб бермаса, бу ҳол келишмовчиликлар келтириб чиқаради.

Иқтисодий аҳволи ночорроқ ХУМШлар кўпинча яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари тадбиркор бўлгани учунгина уларга баландроқ тариф белгилайдилар. Тадбиркорми, демак ўзига тўқ, демак кўпроқ тўласа ҳам бўлаверади деб ўйлайдилар. Лекин улар қонуний асосда бизнес билан шуғулланиб, давлатга солиқлар, бошқа тўловларни вақтида тўлаб келаётганлигига эътибор берилмайди. Асоссиз равишда оширилган бадаллар белгилаш аслида қонун ҳужжатларини бузишдир. Негаки яшашга мўлжалланмаган жой эгалари квартира мулкдорлари сингари уйдаги умумий мол-мулк мулкдорлари ҳисобланади.

Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган баъзи ширкатларнинг раҳбарлари яшашга мўлжалланмаган жой эгаларига ХУМШ аъзоларига нисбатан беш баравар ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда бадаллар белгилаганлиги ҳоллари ҳам маълум. Улар буни ҳамонки шаҳар марказида жойлашган эканмиз, тадбиркорлар учун ҳақ ҳам юқорироқ бўлиши керак деб тушунтирган бўладилар. Аммо бундай ёндашув жойни ижарага берувчилар учун маъқулдир, негаки бунда ижара ҳақи ҳокимликлар томонидан тасдиқланган тарифлар ҳамда миқдори уй жойлашган ерга қараб ортиб борувчи коэффициентлар асосида белгиланади. Бадаллар тўлашда жой мулкдорлари Қонунга кўра тенгдир.

Тошкентнинг **Ҳамид Олимжон майдонида жойлашган ХУМШ**лардан бирини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ширкат яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори тўлайдиган бадални асоссиз равишда кўтариб қўйди-да, ҳеч қанақа муросага боришни истамади. Тадбиркорнинг сўзларига қараганда, ишни энди бошлаганлиги учун ҳам бу тахлитда бадал тўлаш унга зарар келтиради, холос. Тўғри, шарқона одатга кўра кучли одам кучсиз, заифга, бадавлат одам қашшокроқларга қўлдан келганича ёрдам бериши керак. Бугунги кунда бизнес ишини йўлга қўяётган тадбиркорларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Яшашга мўлжалланмаган жой соҳиби бизнес ишини бошқа жойда юритишга қарор қилди, янги жойда ширкат билан бўладиган муносабат қонун ҳужжатлари доирасида бўлар деган умидда эди.

Тошкентнинг Чилонзор туманидаги бир қанча ширкатлар бу масалага бутунлай бошқача тарзда ёндашдилар. Масалан, **«Берёза коммунал сервис» бошқармаси таркибидаги ХУМШда** жой мулкдорлари учун бадаллар бир хил миқдорда белгиланди. Бу ерда ҳам кўпгина тадбиркорлар тарифни пасайтириб бериш борасида қанчадан-қанча илтимос қилдилар. Улар афтидан ҳадеб сўрайверсанг, охири оз бўлса ҳам тарифни туширишади-ку деган ақидага амал қилган кўринадилар.

### БАДАЛ МИҚДОРИНИ АСОСЛАШ ЖОИЗ

Баъзи ҳолларда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари учун мажбурий бадаллар миқдорини асослантирилган тарзда оширишади. Масалан, кўп қаватли уйда жойлашган гўзаллик салони ширкат билан техник хизмат кўрсатилиши хусусида шартнома тузган. ХУМШ салон учун бадалларнинг жуда баланд миқдорини белгилади. Тадбиркорнинг айтишича, бундай қилишга тайинли асос йўқ: сантехника ва электр билан боғлиқ жойларни ўзи таъмирлайди, ҳудудни ҳам унинг одамлари тозалаб ораста қилади. Ширкат раисининг фикрича, гўзаллик салони уй ички тармоқларидан кўпроқ фойдаланади, совуқ ва иссиқ сувни, электр энергиясини кўпроқ сарфлайди. Салон мижозлари уйда яшайдиганларга ноқулайликлар туғдирмоқда, ҳудудни ифлослантирмоқда, йўлка ва ёрдамчи йўлларни банд этмоқда, йўлларни ўйдим-чуқур қилмоқда. Бу гапларда жон бор эди. Аммо ширкат мулкдорга асосни тақдим этиши, салон фаолияти

*Охири. Боши 2009 йил 19 октябрдаги 42 (223)-сонда.*

**Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.*

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

умумий мол-мулкка тушаётган юкни кўпайтираётганлигини, бу мол-мулк тезроқ ишдан чиқа бошлаганлигини, уй таъминоти кўпроқ сарф-харажат талаб этаётганлигини иш режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси ёрдамида кўрсатиб бериши керак эди. Хусусан илгари бутун ҳудудни битта фаррош тозалаб улгурар эди, энди яна бир кишини бу ишга жалб этишга тўғри келмоқда. Мижозлар серқатнов бўлгани учун ҳам йўлакни тез-тез тозалаб туришга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, ХУМШ муҳандислик коммуникацияларини уларга гўзаллик салони томонидан катта ҳажмда юк тушаётганлиги учун ўзгартириб туришга мажбур бўлмоқда. Буларнинг ҳаммасини яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорига аниқ қилиб кўрсатиб, ҳисоб-китобини ҳам тақдим этиши керак эди. Ана шунда ўртада тушунмовчилик бўлмас, низога ўрин қолмас эди. Яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиши мумкин. Бу ҳам тарафлар ўртасидаги кескинликни бартараф этишга ёрдам беради. Хуллас, муносабатлар маданий асосда бўлишини, муросасозликни ўрганиш, бадалларнинг миқдорини оширишни ҳужжатлар асосида асослаб бериш зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мулоқот низолашишдан яхшироқдир.

Тошкентдаги **«Чилонзор коммунал сервис» бирлашмаси** хизмат кўрсатадиган ширкатларда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ҳақ тўлашда турар жой мулкдорларига тенглаштирилган. Умумий овқатланиш корхоналари бундан мустасно: канализация, сув таъминоти тармоғига уларнинг оғирлиги кўпроқ тушади, уйда яшовчилар тинчини, хотиржамлигини ҳам улар кўпроқ бузади, шу сабабли ҳам икки баравар кўпроқ ҳақ тўлайдилар. Ана шу соҳа билан шуғулланаётган тадбиркорлар билан шартнома тузилаётганда тарифни ошириш сабаблари умумий йиғилиш қарори баённомаси билан асослаб берилди.

Яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори баъзан бадал тўлашдан ташқари, умумий мол-мулк таъминоти учун ўз маблағидан муайян сумма ажратади. Шундай бўлса-да, ХУМШ тарифни бир неча карра кўтариб юборади. Шундай ҳолат **«Гўзал жанггоҳ» ширкатида** содир бўлди. Ширкат диагностика марказига катта миқдорда мажбурий бадал белгилади. Бизнес ишини эндигина бошлаган тадбиркорлар тариф оқилоналик чегарасидан чиққунга қадар бўнакни вақтида тўлаб бордилар. Марказ раҳбари ширкат раисига оёққа туриб олгунча озгина фурсат беришни сўраб мурожаат этди, иши юришиб кетса кўпроқ ҳақ тўлашни ваъда қилди. Ширкат илтимосига кўра у ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келганлиги, ХУМШ аъзолари билан биргаликда муайян мақсадга йўналтирилган бадаллар тўлаганлиги рост. Марказ раҳбарининг сўзларига қараганда, ҳудудни тозалаш учун фаррош ёллаган, йўлкалар асфальтланишини таъминлаган, хоналардаги йирик қувурларни алмаштирган, гулзор барпо этган. Кўп қаватли уйда яшайдиганлар эса ахлатни деразадан шундоққина улоқтираверишган – ширкат бунга эътибор ҳам бермаган. Марказ раҳбари уй мутасаддилари орқали аҳоли билан тушунтириш олиб боришни таклиф этган, аммо бу нарса самара бермаган. Ана шунда бир том остидаги, ҳовлини ахлатхонага айлантираётган қўшниларнинг ножўя қилиғини кўрсатиш учун ўз ҳисобидан видеокузатув камераси ўрнатган. Ширкат билан мулоқотдан бир иш чиқмагач, марказ раҳбари Тошкент шаҳар ХУМШлар уюшмасига мурожаат этди. Унга ширкат билан тузилган шартномага келишмовчиликлар баённомасини расмийлаштириб илова этишни, баённомада таъмирлаш ишларига, уйга туташ ҳудуд таъминотига кетган харажатларини кўрсатиб ўтишни таклиф этдилар. Бу салон учун мажбурий бадалларни белгилашда инобатга олиниши шарт. Муайян мақсадга йўналтирилган бадаллар тўлаётганликларини ва ҳомийлик ёрдами кўрсатаётганликларини ҳам қайд этиб ўтишни, бинобарин яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори уй ҳолатини яхшилаш учун кўп иш қилаётганлигини кўрсатишни ҳам тавсия этдилар. Тадбиркорлар умумий мол-мулк ҳамда уйга туташ ҳудуд таъминоти билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини зиммага олишни ёзма равишда таклиф этишлари мумкин, лекин бу нарса бадаллар миқдорида муносиб тарзда акс этмоғи керак.

## БУ ИЖАРАМИ ЁКИ МУТЛАҚ АСОСДА ФОЙДАЛАНИШМИ?

ХУМШ мулкдорлари кўпинча ижара билан мутлақ фойдаланиш тушунчаларини чалкаштириб юборадилар. Уйда омборхона бор, яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори уни фойдаланиш учун беришни сўраяпти дейлик. Бундай ҳолларда баъзи ширкатлар у билан ижара шартномаси тузадилар, айни вақтда умумий мол-мулк таъминоти учун бадаллар тўлашини ҳам талаб қиладилар. Тадбиркорларнинг бунақа пайтда фиғони фалакка чиқади.

Умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи борасида турар жой ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари тенг эканлигини унутмаслик керак. Шу сабабли бу ўринда ижара муносабатлари ҳақида сўз юритиш мумкин эмас, чунки ҳар иккала тараф ҳам мол-мулк мулкдоридир. Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ХУМШ аъзолари умумий йиғилишида белгиланган тартибда ширкат аъзоларига ёки бошқа шахсларга фойдаланиш учун берилиши мумкин. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмларидан тамомила ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган ширкат аъзоси ХУМШга умумий йиғилишда белгиланган миқдорда ҳақ тўлаши шарт. Намунавий шартномада* *(2.4-банд)* ва Намунавий уставда** *(4.8-банд)* ҳам шу нарса назарда тутилган.

Омборхона мулкдорларнинг умумий мол-мулкидир. Борди-ю, умумий йиғилиш омборхонани яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорига фойдаланиш учун беришга қарор қилган экан, бунда ҳақ тўлашнинг вариантлари ҳар хил бўлади. Ширкат мутлақ фойдаланиш учун алоҳида ҳақ белгилаши (айни бир вақтда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори мажбурий бадалларни тўлашда давом этади) ёки омборхонадан мутлақ фойдаланилганлик учун ҳақ тўлашни эътиборга олган ҳолда унинг мажбурий бадаллари миқдорини ошириши мумкин. Мутлақ фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ «бошқа даромадлар» деб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам турар жой ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари мажбурий бадалларининг ҳажми ана шу суммага камайтирилиши мумкин.

Мабодо яшашга мўлжалланмаган жойни ижарачи эгаллаб турган бўлса, жой мулкдори умумий харажатларда иштирок этиш борасидаги ўз мажбуриятларини унга ижара шартномаси асосида топшириши ва бундан ширкатни хабардор этиши шарт *(Қонуннинг 30-моддаси)*. Бундай ҳолларда ижарачи яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорига ижара ҳақини, ХУМШга эса мажбурий бадалларни тўлайди.

## МУЛОҚОТ НИЗОЛАШИШДАН АФЗАЛРОҚ

Яхши қўшничилик низолашишдан, ёвқа-

### ҲУҚУҚШУНОС ИЗОҲИ

Омборхона биргаликдаги умумий улушли мулк эканлиги инобатга олинса, яшашга мўлжалланмаган жой фондига ўтказилган кўчмас мулкка эгалик қилаётган юридик шахс бўлмиш мулкдор Қонунга ва Фуқаролик кодексига мувофиқ, умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун унга умумий йиғилишнинг омборхонани унга фойдаланиш учун бериш ҳақидаги қарори керак бўлади. Бундай ҳолларда ижара шартномаси тузилмайди, чунки бундай шартнома ана шу мол-мулкдан фойдаланиш учун мол-мулкнинг мулкдори билан бу мол-мулкнинг эгаси бўлмаган шахс ўртасида тузилади. Бунда юридик шахс ҳам мол-мулк (омборхона) мулкдоридир, бинобарин у омборхонадан турар жой мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида фойдаланиши мумкин. Бундай кезларда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори мажбурий бадаллардан ташқари омборхонадан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлик учун мулкдорларнинг умумий йиғилишида белгиланган миқдордаги ҳақни ширкатга тўлаши керак.

Агар ХУМШ ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун мол-мулк берилган мулкдорлардан бири омборхонани ХУМШ аъзоси бўлмаган учинчи шахсларга беришга қарор қилган бўлса, у ҳолда ижара шартномаси тузилади ва мазкур шахс шу шартнома асосида ижара ҳақи тўлаши керак. Бундан ташқари Қонунда жойни ижарага берувчи умумий харажатларда иштирок этиш борасидаги ўз мажбуриятларини ижара шартномаси асосида жойини ижарага олаётганга топшириши мумкин ва бу ҳақда ширкатни хабардор этиши шарт *(Қонуннинг 30-моддаси)*.

**Елена ЕРМОХИНА,**
**«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.**

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги яшашга мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасидаги намунавий шартнома (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига 2-илова).*

***Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий устави (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига 1-илова).*

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

раш қилиб юришдан яхши эканлиги шубҳасиздир. Бундай муносабатларни дўстона, ўзаро фойдали асосда йўлга қўйган ширкатлар ҳам бор. Улар уйларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, бадалларни ўз вақтида ёки бўнак тарзида тўлаб келаётган, умумий мол-мулкни батартиб тутаётган, имкон қадар уларни ўз ҳисобидан таъмирлаб келаётган тадбиркорларнинг мажбурий бадаллари миқдорини оширмайдилар.

Тошкентдаги **«Ка-Файз» ширкати** яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорига ертўлани ва катта қувурларни таъмирлаш учун қилган харажатларини компенсациялаш маъносида мажбурий бадалларининг бир қисмига ўтказди.

**«Шарқ тонги сервис коммуналчи» ширкати** эса шу уйда жойлашган қаҳвахонага ХУМШ аъзоларига нисбатан икки баравар кўп тариф белгилади. Шундай бўлса-да, тадбиркорлар ширкатга ёрдам кўрсатдилар. Ширкат уларнинг бадаллар ҳақини ХУМШ аъзоларининкига тенглаштирди.

ХУМШ билан яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ўзаро ҳамкорлигининг ибратли деса бўладиган мисолларини Тошкентдаги **«Ирина сервис плюс» бирлашмаси** хизматлари буюртмачиси бўлмиш бир қанча ХУМШлар томонидан намойиш этилмоқда. Бунда хизмат кўрсатаётган ташкилотнинг ҳам ҳиссаси бор. Унинг мутасаддилигидаги уйларда ижарачилар ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари кўп. Уларнинг ширкат аъзолари билан муносабатлари хайрихоҳлик, бир-бирини тушуниш, мулоқотга интилиш, баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш билан ажралиб туради. Уларга жой мулкдорларига нисбатан бадаллар баландроқ қилиб белгиланган. Лекин бу борада муаммо бўлмаяпти. Тадбиркорлар шинам, файзли уй бизнесни ривожлантиришларида мададкор бўлаётганликларини тушунадилар. Шу сабабли ҳам уй таъминотига келганда зиқналик қилмайдилар. Бирлашма эса ширкатларга яшашга мўлжалланмаган жой эгалари ва ижарачилар билан шартнома тузишга, уларнинг бадаллари миқдорини ҳисоблаб чиқаришга кўмаклашмоқда.

Ана шу ХУМШларда таъмирлаш билан боғлиқ кўпгина ишлар яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ва ижарачилар ёрдамида амалга оширилмоқда. Айтайлик, турар жойларнинг ертўлаларида омборлар бор. Бу омборлар хусусийлаштирилганидан кейин жой мулкдорларининг умумий улушли мулки бўлиб қолди. Яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари кўпинча бу омборларни фойдаланиш учун улар ихтиёрига беришни сўрайдилар. Бу хусусдаги қарор умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади. Шундан кейингина тадбиркорлар ертўладаги коммуникацияларни ўзгартирадилар.

Ёки бошқа бир мисол. Ҳокимлик хусусий шахсга уйининг ён тарафига туташтириб қўшимча иморат қуришга рухсат берди дейлик. Бунга шу уйда яшовчилар қарши. Ўртада низо чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо хусусий тадбиркор ширкат аъзолари билан талашиб-тортишишни истамай, ўз мақсадига эришиш учун чиқимдан қочмаслигини, мажбурий бадаллар тўлашдан ташқари, ХУМШга мўмайгина ҳомийлик ёрдами беришни режалаштирганлигини айтади. Тадбиркор ўз ҳисобидан уй томини капитал таъмирдан чиқариб берди, ертўладаги тахта сўриларни янгилаттирди, бешта йўлакка металл эшик ўрнатди. Ҳозир ширкат бошқаруви у билан ертўладаги канализация қувурларини алмаштириш масаласини муҳокама этмоқда.



**«Боғишамол баҳори коммунал» ширкатида** тадбиркорлар ертўладаги хоналарни ижарага олишди, бу ердаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштиришди, ҳудудни ободонлаштиришди. Ана шу ХУМШда уйга туташ ҳудудда ишбилармон кишилар идора қурмоқчи бўлишди. Аммо одамлар шунингсиз ҳам болаларга ўйнайдиган жой йўқ деб бунга қарши чиқдилар. Шунда тадбиркорлар ширкат идора қуришга рухсат берса, эвазига янги болалар майдончаси қуриб беришни, томни таъмирлашга кўмаклашишни ваъда қилдилар. Ҳозир ширкат бошқаруви бундай ҳамкорлик ҳақида яқиндан ўйлаб кўрмоқда. Буларнинг ҳаммаси мажбурий бадаллар тўлайдиган ижарачилар ва мулкдорларнинг яхши хоҳиш-иродаси ифодасидир. ХУМШ раҳбарлари тадбиркорлар баъзан шу уйда яшайдиган кишиларга қараганда кўпроқ ғайрат кўрсатадилар дейишганича бор.

Тошкентдаги бошқа бир ширкат – **«Ипак йўли коммунал» ширкатида** яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ва ижарачилар билан яхши муносабатлар қарор топган. Улар бадалларни вақтида тўлайдилар, олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширадилар. **«Агат элит»** директори ширкатга дўппи тор келган пайтларда бир неча марта ёрдам берди. Хусусан, канализация муаммоси кўндаланг бўлганда ижрочилар топиб берди, уларнинг қилган ишига ҳақ тўлади. Фаррош таъминотини ҳам ўз зиммасига олди. Уйнинг атрофидаги ҳудуд ҳамиша озода, саранжом-саришта. Ертўла ресторан ихтиёрида бўлган кезлари аҳволга қараб бўлмасди, одамларнинг тинчи бузилган, қийинчиликлар устига қийинчиликлар юзага келарди. Насос ишламасди, коммуникацияларга уланиб бўлмасди, қоқ тунгача мусиқа қулоқларни қоматга келтирарди. Ҳозир ХУМШ бу жойни супермаркетга ижарага берган бўлиб, у ширкат билан биргаликда ҳамма ёқни батартиб қилди.

Бунақа ўзаро фойдали шериклик борасида Шарқий Европа мамлакатларида яхшигина тажриба тўпланган. Уларда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ширкат аъзолари ҳисобланади, бу эса кўпгина масалаларни ҳал этиш калитидир. Уйга туташтириб иморат қуриш ёки кўп қаватли бинога яна бир қават қўшишга уй аҳли бажонидил розилик билдиради. Бир тарафдан ширкат тадбиркор орқали янги аъзога эга бўлади ва бу аъзо шу уйда яшайдиганлар билан бир қаторда умумий мол-мулк таъминоти залворини кўтаради. Иккинчи тарафдан эса юқори қават устига қурилиш қилиниши бино томини таъмирлаш муаммосини шундоққина ҳал этади-қўяди. Уйда яшайдиганлар ҳам бундан манфаатдор – мулкдорлар уйда қанча кўп бўлса, тўланадиган мажбурий бадаллар миқдори ҳам шунча камаяди.

### НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Юқорида айтилганларни якунлаб шуни таъкидлаш керакки, кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари янада мукаммаллаштирилишни талаб этади. Келишмовчилик ва тафовутлар кўпинча бизда яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ХУМШ аъзолари эмаслиги сабабидан келиб чиқмоқда. Улар умумий мол-мулк таъминоти юзасидан қонунда белгилаб қўйилган мажбуриятга эга бўлсалар-да, мажбурий бадаллар миқдорига оид қарор қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар, чунки бу тамомила ХУМШ аъзолари ихтиёридадир. Натижада кўпинча ширкатлар ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиб, яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорларига асоссиз равишда оширилган бадал миқдори белгилайдилар. Тадбиркорлар эса ҳамонки қарорни биз қабул қилмас эканмиз, умумий мол-мулк таъминоти борасидаги харажатларни кўтаришимиз шарт эмас деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари, ширкат ролини кучайтириш учун кўп квартирали уйларда реконструкция, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш тартибини расамадга солувчи қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқ кўринади. Негаки, шу уйда яшайдиганлар бошқаларга нисбатан уй техник жиҳатдан яхши ҳолатда ва хавфсиз бўлишидан манфаатдордирлар. Жой мулкдорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборот бериш йўналишидаги маърифий ишлар, шу мавзуда семинарлар ўтказиш, ахборот материалларини чоп этиш, хусусан мисолларни, айтайлик яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари учун мажбурий бадалларни ҳисоблаб чиқиш асосларини ўз ичига олган тавсиялар нашр этиш ҳам мулоқотни йўлга қўйиш ва муносабатлардаги муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Ширкат аъзолари, ижарачилар ва яшашга мўлжалланмаган жой мулкдорлари ўзлари яшаётган ва ишлаётган жойни янада шинам, янада кўркам ва чиройли қилиш учун бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб ишлашлари керак.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

Бизга ёзган эдингиз...

# БАДАЛЛАР КАМАЙТИРИЛАДИМИ?

***Қуйидаги саволларимга жавоб берсангиз:***

***1. Янги ташкил этилган ХУМШ, агар унинг депозит ҳисобрақамида пул бўлмаса, 1991 йилгача қурилган биноларни капитал таъмирлашни биргаликда молиялашни қандай бажара олади?***

***2. Агар хизматлар ҳақи етказиб берувчиларга тўланган бўлса, бироқ мажбурий бадаллар бўйича қарз мавжуд бўлса, ХУМШ истиқомат қилувчиларни электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан узиб қўйишга ҳақлими?***

***3. 2007 йил июнда ташкил этилган ХУМШ бошқаруви мулкдорлар умумий йиғилишининг розилиги билан умумий мол-мулкни сақлаш учун бадалларни икки баравардан кўпга оширди. Бу капитал таъмирлашни биргаликда молиялаш учун қилинди. Уйда иссиқ сув таъминоти тизимлари (стояклар) қисман таъмирланди, зинапоя майдончалари оқланди, электр шчит ускуналари алмаштирилди, йўлаклар ва зина майдончаларини ёритиш йўлга қўйилди, ертўлада иссиқ ва совуқ сув, канализация тизимлари алмаштирилди. Умуман олганда кўп иш қилинди. Уларни, билишимча, ХУМШ депозит ҳисобрақамига ажратиладиган бадаллар ҳисобига бажарди. Шу боис истиқомат қилувчилар суммаси умумий мол-мулкни таъмирлашни эмас, балки техник хизмат кўрсатишни қоплаши керак бўлган бадалларни тўлашлари керак. Бироқ ХУМШ 2009 йилда бадаллар миқдорини 2008 йил даражасида қолдирди. Буни қандай тушуниш керак?***

**В.Поздишев.**
**Бухоро шаҳри.**

– **1.** «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – Қонун) 37-моддасида белгиланишича, алоҳида кўп квартирали уйдаги жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққан тақдирда, бу кўп квартирали уйни капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғариш ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилаётган ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак. Агар уй ажралиб чиққан аввалги ширкат депозитга ажратмалар қилмаган бўлса, янги ХУМШ ишни шундан бошлаши керак. 1991 йилга қадар қурилган кўп квартирали уй ширкат томонидан капитал таъмирлаш смета қийматининг 30 фоизи молиялаштирилганида капитал таъмирлаш дастурига киритилиши мумкин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида *(2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон)* белгиланишича, коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади. Бу коммунал хизматларни етказиб берувчиларнинг хос ҳуқуқидир. Ширкат эса бундай қила олмайди. У мажбурий бадалларни тўламайдиганларни судга бериши мумкин.

**3.** Умумий йиғилиш ХУМШнинг юқори органидир. Агар ширкат аъзолари кўпчилик овоз билан уйда капитал таъмирлашни бажариш учун бадалларни икки бараварга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган бўлишса, демак, буни даромадлар ва харажатлар сметасида ҳисобланган, уни бажариш харажатлари тақозо этади. Газетхонимиз ширкат томонидан икки йил ичида бажарилган бир талай ишларни санаб ўтди, бу эса кўп маблағни талаб қилади.

Қонун 30-моддасига мувофиқ мажбурий бадалнинг миқдорини тасдиқлаш умумий йиғилишнинг хос ҳуқуқидир. Агар уйнинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича бундай дастурни амалга ошириб, ширкат аъзолари уйнинг барча муаммолари ҳал қилинди ва ХУМШ режалари фақат жорий



хизмат кўрсатишни назарда тутади деган фикрга келишса, ўша умумий йиғилишнинг қарори билан бадаллар миқдорини камайтиришлари мумкин. Бироқ ушбу ҳолда ҳам депозит ҳисобрақамида бўлғуси капитал таъмирлашлар учун маблағлар жамлаб борилиши керак. Мажбурий бадаллар миқдорини жорий йилга тасдиқланган, режалаштирилган ишларни бажариш харажатларини акс эттирадиган даромадлар ва харажатлар сметаси билан солиштириш лозим. Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади. Ширкат аъзоси сифатида сиз ХУМШ раҳбаридан 2009 йилги даромадлар ва харажатлар сметасини талаб қилиш ва бадалларнинг миқдори унда акс эттирилган харажатларга қанчалик мувофиқлигини кўздан кечириш ҳуқуқига эгасиз.

Уларни амалга оширишга уйда яшовчиларнинг депозит ҳисобрақамида жамланган маблағларигина сарфланмаганлиги эҳтимолдан холи эмас.

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

***Мана беш йилдирки, квартирамиздан чакка ўтавериб, жонимизни ҳиқилдоғимизга келтирди. «Азамат биринчи коммунал» ХУМШ таркибида эканлигимиз учун шу ширкатга, шаҳар авария хизматига, туман ҳокимлигига мурожаат этавериб чарчадим. Лекин мурожаатларимга жавоб олмадим. Умумий мол-мулкни тутиб туришга мажбурий бадалларни вақтида тўлайман, аммо нима учун пул тўлаётганлигимни ўзим ҳам билмайман. Намгарчилик бошланди дегунча балконимиз тос-тоғораларга тўлиб кетади. Наҳотки, шунча вақт мобайнида томни таъмирлаш мумкин бўлмаса? Нима сабабдан ширкатимиз раиси Р.Қорахонованинг ишини ҳеч ким назорат қилмайди? Ёнимиздаги бошқа кўп қаватли уйларда ҳам аҳвол деярли шундай. ХУМШ тайинли иш қилмаслигига жавобан одамлар уйни тутиб туришга ҳақ тўлашни тўхтатиб қўймоқдалар, турли идораларга хат йўлламоқдалар, лекин натижадан дарак йўқ. Муаммоларимизни ҳал этишда ёрдам берасизлар деган умидда сизга мурожаат қилмоқдамиз. Зора раисимиз илтифот кўрсатиб томимизни таъмирлаб берса...***

**В.И.Бабий.**

**«Азамат биринчи коммунал» ХУМШ, Тошкент шаҳри.**

# КУЗ КЕЛДИ ДЕГУНЧА... ТОС-ТОҒОРА ТАЙЁРЛАЙМИЗ



– Йиллаб чакка ўтиши, томни таъмирлаш талаби билан ХУМШ устидан шикоят ёзиш, ширкат қўлини қовуштириб ўтирганлиги учун мажбурий тўловлар тўлашдан воз кечиш – буларнинг ҳаммаси коммунал хўжалиги ҳақидаги қадимги ҳангомаларни эсга солади. Бу тахлитда йиллаб сарсон бўлиб юриш, вазиятдан чиқиш йўлини топа олмай бошни ҳар деворга ургудек бўлиш ҳам янгилик эмас. Лекин бу масалада «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда шу хилдаги муаммоларнинг бошқа ХУМШлар томонидан ҳал этилиши амалиёти нуқтаи назаридан бир фикрлашиб кўрайлик.

Томингиздан чакка ўтиб, сизни ва қўшниларингизни қийнаётган бўлса, шикоят ёзиш билан бир иш чиқаролмайсиз. Сизга ёқадими-йўқми, аммо Қонунда ўз-ўзини бошқариш ХУМШ фаолиятининг асосий принципларидан бири деб белгилаб қўйилган *(3-модда)*. Бу кўп қаватли уйда яшайдиганлар ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, уйнинг томи, ертўлалар, йўлаклар ва шу сингариларни таъмирлаш билан шуғулланишлари керак деган маънони англатмайди, албатта. Одамлар бир жойга йиғилиб кўп қаватли уйни тутиб туриш билан боғлиқ ишларни қўшнилардан қайси бирига ишониш мумкин эканлиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришлари керак. Лекин ишбоши сайлаш билан иш битмайди. Ўз-ўзини бошқарув ширкат аъзоларининг бир чеккада қўл қовуштириб туришларига йўл қўймайди. Улар ўзлари сайлаган раис ўзларига қарашли умумий мол-мулкни қандай бошқараётганлигини билишлари зарур. Негаки уйни тутиб туриш учун мўлжалланган ўз маблағларини сарфлашни айни шунга ишонадилар.

Ўз-ўзини бошқаришга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун энг аввало ХУМШ аъзолари умумий йиғилишда иштирок этишлари ҳамда ширкат фаолиятига оид асосий қарорларни, айтайлик умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш юзасидан келаси йилги устуворликларни белгиловчи ишлар режасини қабул қилишлари; юқорида айтилган ишлар бажарилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳам кирадиган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлашлари; умумий мол-мулкни тутиб туриш учун мажбурий бадал миқдорини белгилаб олишлари лозим.

Истаймизми-йўқми, кўп қаватли уй ҳақида шу уй аҳли ғамхўрлик қилиши керак. Зотан бир том остидаги ҳамма нарса аслида шу уйдагиларнинг умумий мол-мулкидир. Мабодо том билан боғлиқ муаммо чиқиб қолса, одамлар бу муаммони шикоят йўллаnaётган идоралар эмас, балки ўзлари ҳал этиши керак.

Бунинг учун энг аввало умумий йиллик йиғилишда томни таъмирлаш ишларини устувор вазифа деб белгилаб, жорий йилги режага киритиш лозим. Шундан кейин бу серчиқим иш қанчага тушишини яхшилаб ҳисоблаб чиқиш даркор. Бу ишга етадиган пул бўлмаса, томни таъмирлашни кейинроққа қолдириш, одамлардан айни томни таъмирлашга атаб маблағ жамлаб боришга киришиш керак. Баъзида йиғилиш ўтказилмайди, раиснинг ўзи ҳаммасини яккабошчилик асосида ҳал этади деб нолиб ҳам қўйишади. Аммо чакка ўтаётган жойларга идиш қўйиб юриш шу уйда яшовчилардан бўлак кимни ҳам ташвишлантирарди дейсиз. Шундай экан, ташаббускорроқ бўлиб, томни таъмирлаш келаси йилги ишлар режасига киритилган-киритилмаганлигига қизиқиб кўриш, қачон умумий йиғилиш ўтказилишини сўрашдан тортинмаслик керак.

Моҳиятан олганда, кўп қаватли уйдаги квартираларда якка тартибда қурилган уйда бўлганидек мулкдорлар яшайди. Лекин ўз уйида яшаётган одам томимдан чакка ўтаяпти, уйимнинг орқа тарафини ёмғир ювиб ташлаяпти деб ҳокимликка шикоят қилиб бормайди-ку. У ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қачон ва қандай таъмирлаш ишларини қилишни мустақил ҳал этади. Кўп квартирали уйда яшовчи мулкдорларнинг улардан биттагина фарқи кўп қаватли уйни тутиб туриш масалаларини бир киши эмас, балки мулкдорлар жамоаси ҳал этади, холос.

Уй қайси ширкатга қарашли бўлса, шу ширкатнинг фаолиятини қандайдир ёт ташкилотлар эмас, балки шу уйда яшайдиганларнинг ўзи назорат қилмоғи лозим. Зотан уй ҳам, унинг томи-ю ертўлалари ҳам уларники, томдан чакка ўтиши-ю ертўлани сув босиши улардан бўлак ҳеч кимни ташвишлантирмайди. ХУМШ хўжалик фаолиятини текшириш учун эса тафтиш комиссияси сайланади. Бу комиссия ширкат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Текшириш асносида ўғирлик, талон-торож қилиш ёки бошқа жиддий қоидабузарликлар аниқланса, комиссия прокуратурага мурожаат қилишга ҳақли.

Агар раиснинг ишидан ширкат аъзоларининг кўнгли тўлмаётган бўлса, улар умумий йиғилишда бошқа раис сайлашга ҳақлидирлар. Аммо қўни-қўшнилар орасидан ХУМШ раҳбарлигига муносиб номзод топиш жуда қийин. Ён атрофингдагилар кўмаклашиш, мададкор бўлишдан кўра кўпроқ талаб қилиб турадиган бўлганидан кейин бунақа оғир ишни унча-мунча одам ўз зиммасига олавермайди. Ўзлари сайлаган одам устидан шикоят қилиш осон, ундан кўра кўпроқ ўзларидан худди шу нарсаларни сўраш кераклигини ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Унча чуқур фикр юритмайдиган баъзи одамлар том қайси пулга таъмирланишини ўйлаб ҳам кўрмай, шартта тўлов тўлашни тўхтатиб қўйишади. Хуллас, ҳуқуқларимизни яхши биламизу, аммо кўпинча мажбуриятларимизни унутиб қўямиз. Шу боис ҳам кўп қаватли уйдаги аҳволга аслида шу уйда яшайдиганларнинг ўзи сабаб.

ХУМШ таркибида бир эмас, бир неча уй бўлган тақдирда том таъмирланишини кутиш учун сабр-чидам керак бўлади. Бу иш сиз яшайдиган уйда қачон бошланиши номаълум, чунки катта ширкатда аҳолидан тушган пуллар қайта тақсимланади ва кўпинча сиз қўшни уйлардаги таъмирлашларнинг ҳақини кўтарган бўлиб чиқасиз. Сиз яшайдиган уй аҳлининг гап-сўзларига бундай ХУМШда қулоқ солишмайди ҳисоб. Одамларни умумий йиғилишга тўплаш ҳам мушкул. Тажриба бир уйдан иборат ширкатларда уйнинг тутиб турилишини яхши йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Зотан бунда қўни-қўшниларнинг йиғилиши ҳам осон: долзарб масалаларни тезгина муҳокама этиб, ишга ҳам дарҳол киришиш мумкин. ○

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

***Тошкентнинг Сирғали-7 мавзесида 2005 йили катта ХУМШ таркибидан ажралиб «Шокир ариқ» деган ном билан ташкил топган ширкат беш ва тўққиз қаватли 17 та кўп квартирали уйдаги 540 квартирага бош бўлиб турибди ва уларга яхши хизмат кўрсатмоқда.***

***Бир уйдан иборат ва кичикроқ ХУМШлар афзал кўрилаётган ҳозирги кунда бу анча катта хўжалик, демак иш ҳам, ташвиш ҳам етарли. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай ширкатда ҳам ишни муваффақият билан олиб бориш мумкин экан. «Шокир ариқ» ХУМШ раҳбарлари ва кўпгина аъзоларининг фикрича, иш кўнгилдагидек боришининг иккитагина шарти бор. Аввало ширкатни билимдон, уқувли, кўп қаватли уйлардаги аҳвол учун жон койитиб ишлайдиган раҳбар бошқариши, одамлар эса аҳил, бир-бирига қайишадиган, шу турар жойнинг ободлиги билан боғлиқ барча ташаббусларни жон дили билан қўллаб-қувватлайдиган бўлиши керак. Бундан ташқари ҳар бир уйда ўз-ўзини бошқариш принципи амал қилиши лозим. Акс ҳолда ширкат одамлар уйни бошқаришдан четлатиб қўйилган ва уларнинг фикри билан ҳеч ким ҳисоблашмайдиган аввалги ЖЭКлардан фарқ қилмай қолади.***

# «ДИПЛОМЛИ» ШИРКАТ

Уйлар 1990-1991 йилларда қурилган бўлса-да, «Шокир ариқ» ширкати ажралиб чиққан пайтда бу уйлар билан боғлиқ муаммолар оз эмас эди. Ертўлаларни сув босган бўлиб, бу нарса уйнинг иситиш тизими яроқсиз ҳолга келганлигини, таянч қувур ва арматуралар алмаштирилиши кераклигини англатарди. Ертўлаларни сув босганлиги сабабли квартиралар ҳам намчил эди. Бунинг устига ертўлалардаги сув бино пойдеворига путур етказиб, уйнинг хавфсизлигига таҳдид соларди. Чивинларнинг «кони»га айланиб қолганлигини айтмаса ҳам бўлади. Кўп қаватли уйларда лифтлар узоқ вақт ишламасди. Уйга туташ ҳудуд ўз ҳолига ташлаб қўйилган, мавзеда ички суғориш тармоғи, болалар майдончалари йўқ эди. Ўзбошимчалик билан қуриб олинган кўпгина иморатлар ҳовлининг ташқи қиёфасини бузиб турарди.

Аҳоли умумий йиғилишда ўз уйлари хўжалигини бошқариш масаласини ҳал этишни энг фаол, қўни-қўшнилар ўртасида обрўси баланд беш кишидан иборат бошқарувга топширди. **Абдумалик Қаршиев раис этиб сайланди:** у жамоатчилик асосида иш олиб борадиган бўлди. Кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш масалалари билан **ижрочи директор Марям Машарибова** шуғулланиб келмоқда. Марямхоннинг касби қурувчи-муҳандис бўлганлиги сабабли масаланинг техник жиҳатларини яхши билади, тўғри қарорлар қабул қилишда бошқарувга яқиндан ёрдам беради. Директор қарорларни ижро этар экан, умумий мол-мулк асралиши билан боғлиқ ишларни омилкорлик билан ташкил этди, икки сантехник, электрчи, пайвандчи, лифтёр, ёрдамчи ишчи ва иккита фаррошдан иборат штатдаги техник ходимлар кучи билан таъмирлаш ишлари ҳам адо этилди. Зарурат бўлганда мутахассислар шартнома асосида ишга жалб этилди. Бошқарув билан ижрочи директор қўлни қўлга бериб ишламоқда. Бошқарув ҳар ойда бир марта уй хўжалигига тааллуқли жорий масалаларни кўриб чиқади, шунда ижрочи директор қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беради.

## «ДАРДИ» АНИҚЛАНДИ. ЭНДИ «ДАВОЛАШ»ГА КИРИШАМИЗ

Уйлардаги аҳволни яхшилаш ХУМШ ташкил топиши биланоқ умумий мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш ва баҳолаш ишларидан бошланди. Танг жойлар аниқланиб, тиббий атама билан айтганда, «ташхис» қўйилгач, дарҳол «даволаш»га киришилди. Ҳозирги кунда ҳар бир уй бир йилда икки марта худди шу тахлит кўздан кечирилади. Бу эса аҳволдан вақтида бохабар бўлиб туриш имконини бермоқда.

Ширкатда ўзининг моддий-техника базаси, хусусан газ ва электр пайвандлаш аппаратлари, бурғулаш дастгоҳи, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш учун зарур бошқа мосламалар бор. Бу ердагилар жойнинг ўзида эҳтиёт қисм тайёрлаш муаммони тезгина ҳал этиш, сифат юксак бўлишини таъминлаш (ахир одам ўзи учун керакли нарсани қўл учида қилмайди-ку), квартира мулкдорлари маблағларини тежаш имконини беради деб ҳисоблайдилар.

2005-2008 йилларда «Шокир ариқ» ширкати кўп қаватли уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш дастурини изчил асосда амалга оширди. Ўша пайтдаги чигал, муаммоли жабҳаларни тартибга келтириш ана шу дастурнинг биринчи босқичи бўлди. Ўтган муддат ичида барча уйлардаги ертўлалар сувдан ҳоли этилди, лифтлар батартиб ишлайдиган бўлди, йўлакларнинг ёритилиш тизими рисоладагидек ишга тушди. Ширкат раиси ва ижрочи директорининг саъй-ҳаракати билан кўп қаватли уйлардан ўнтаси бюджет маблағлари жалб этилган ҳолда амалга ошириладиган капитал таъмирлаш дастурига кирди. Ана шу ишлар асносида ертўлалардаги тахта сўрилар ва ҳар бир квартирага ўтган катта қувурлар таъмирланди. Шу уйда яшайдиганлар капитал таъмирлаш ишларида ўттиз фоизли маблағ киритиш билан иштирок этдилар. Олтита уйда шундай капитал таъмирлаш ишлари ширкат аъзоларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. «Шокир ариқ» ширкати бу йил ана шу дастурда белгиланган ишларни якунига етказади. Қишли-қировли кунлар келгунча қолган энг охирги уйнинг ертўласидаги муҳандислик тизимлари таъмирдан чиқарилади.

Уйларга хизмат кўрсатиш, мураккаб бўлмаган таъмирлаш ишлари ширкатдагиларнинг кучи билан амалга ошириладии. 2007 йилга қадар лифт хўжалигига «Чирчиқлифт» бошқарув ташкилоти хизмат кўрсатарди. Лекин аҳоли бу ташкилот хизматининг сифатидан кўнгли тўлмаётганлиги сабабли ширкат ўртадаги шартномани бекор қилди. Ҳозир лифтларга ХУМШ штатидаги ходимнинг ўзи қараб турибди.

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

## МУКОФОТГА МОТОРОЛЛЕР

«Шокир ариқ» ширкатида уйга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ўйнайдиган майдончалар барпо этишга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу ишда туман ҳокимлиги ҳам катта ёрдам қилмоқда, аммо одамларнинг ўзлари ҳам қараб ўтиришмаяпти. Яхши ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, керак бўлса ҳашарлар уюштирмоқдалар. Ахир ким ҳам ўз фарзанди учун меҳнатини аярди дейсиз?! Ўзлари яшайдиган уйнинг чор атрофи обод, ям-яшил, файзли бўлиши иштиёқида биргаликда қилинадиган иш кўни-қўшниларни шунчалар аҳил, яқин қилиб юборадики, асти қўяверасиз. Қисқаси, кейинги бир неча йил ичида уйларга туташ ҳудудлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ҳовлиларда болалар майдончалари ташкил этиш борасидаги ишлари учун 2005 йили «Шокир ариқ» ширкати Сирғали туман ҳокимлигининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Умумий мол-мулкни намунали тарзда сақлаганлик учун ширкат 2007 йилда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг иккинчи даражали дипломига лойиқ кўрилди, рағбатлантириш тариқасида унга мотороллер туҳфа этишди. Шундан бўлса керак, баъзи ҳазилкашлар ўз ширкатларини «дипломли» ширкат деб юришади.

Кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари босқичма-босқич олиб борилди. Бунда навбат таъмирталаблик даражаси ва молиявий имкониятларга боғлиқ. Аввалги йилларда асосан муҳандислик тизимларини алмаштиришга зўр берилган бўлса, 2009 йилда ХУМШ томларни тузатишга киришди. М.Машарибованинг сўзларига қараганда, фақат биттагина уйнинг томини капитал таъмирлаш керак, қолганларида жорий таъмир ишлари билан кифояланса бўлади. Шу сабабли ширкат битум, рубероидларни вақтида сотиб олди ва қиш бошланиб кетгунча том билан боғлиқ муаммоларни поёнига етказмоқчи.

Томни капитал таъмирлаш учун эса пул тўплашга тўғри келади. Бу жуда серчиқим иш. Қолаверса, ширкат шу йилнинг ўзида электр тармоқларини таъмирлаш ишини бошлашни мўлжаллаб турибди. Уйларнинг аксариятида электр симларини тўлиқ алмаштириш керак. Бу борадаги ишлар ҳам босқичма-босқич, маблағ тўпланишига қараб қилинади. «Шокир ариқ» ширкати болалар майдончалари барпо этиш, ҳовлиларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини сира ташлаб қўймайди.

Муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш ишига мутахассисларни таклиф этдилар. Марямхон опа бундай мураккаб ишни профессионал мутахассислар қилиши керак деб ҳисоблайди.

## ПАЙВАСТА РИШТАЛАР

Ширкат бошқаруви квартира мулкдорлари ўртасида мунтазам равишда оғзаки сўровлар ўтказиб туради. Қилинган ишлар ҳақида ХУМШ аъзоларига умумий йиғилишда ҳисобот беради. Ширкатда маърифий-тушунтирув ишлари яхши йўлга қўйилган. Эълонлар тахтасида уй аҳлини қизиқтирувчи ахборотлар осиғлиқ. ХУМШ амалга оширган ишларнинг натижалари ҳақида ҳам шу йўсинда ахборот бериб борилади. Одамларнинг фикр-мулоҳазалари уй қўмиталари, йўлакбошилар орқали билинади, одамларга хабарлар ҳам шу йўсинда етказилади. Жамоат назорати уч кишидан иборат тафтиш комиссияси зиммасига юклатилган бўлиб, комиссия молия-хўжалик фаолиятини ҳар йили текширувдан ўтказади.

Одамларнинг ўзлари ҳам яхши-яхши ташаббуслар кўтариб чиқадилар, уйга туташ ҳудудларни ободонлаштириш мақсадида ҳашарлар ўтказиб турадилар. Табиийки, қўшниларнинг ҳаммаси бирваракайига бундай тадбирларда иштирок этиши қийин – кимдир ишга бориши керак, кимнингдир зарур юмуши чиқиб қолади. Кўпчилик ободонлаштириш ишлари учун ихтиёрий равишда бадаллар ҳам беради. Ижрочи директор ўз ҳовлисини намунали ҳолатга келтирган 62-уйдагиларнинг фаоллигини алоҳида тилга олди. Машарибованинг айтишича, 63-уйда яшайдиган бир онахон унга учрашиб, Марям опа, қизимни унаштириб қўйдик, тўйгача йўлакни таъмирламоқчимиз, шунинг эвазига бадалларнинг бир қисмини чегирма қила оласизми деб мурожаат этган. Бугина эмас, ширкатда 11 та йўлакни таъмирлаш ишларини ўз кучлари билан адо этишди.




Ҳисоб ҳар бир уй бўйича алоҳида-алоҳида юритилади. Беш ва тўққиз қаватли уйлар учун умумий мол-мулк таъминотига бадаллар ҳар хил белгиланган. Айтайлик, беш қаватли уйда бу бадал ҳар бир квадрат метр майдон учун 130 сўмни, тўққиз қаватли бинода эса 150 сўмни ташкил этади. Муаммоли ишлари кўп уйлар учун баъзан қилинадиган ишлар алоҳида режалаштирилади, сметаси ҳам алоҳида тузилади. Тўлов борасида қарздорликдан қутула олмаётганлар билан тушунтириш ишлари олиб борилади, аммо бундан натижа чиқмаса, қарз суд орқали ундириб олинади.

Маҳалла қўмитаси «Шокир ариқ» ширкатига баракали ёрдам кўрсатмоқда, кўп ишларда қўллаб-қувватламоқда. Йиғин раиси **Хурсаной Рўзиназарова** қарздорлар билан тушунтириш ишлари олиб боришда, ҳовлиларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, байрам маросимларини ўтказишда кўмаклашмоқда. Ширкат билан маҳалла йиғинининг қўшма қарори билан ХУМШнинг ижтимоий эҳтиёжманд аъзолари қарзининг бир қисми чегириб ташланадиган бўлди. ●

***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***

# ФАРОВОНЛИК МАНБАИ ТЕЖАМКОРЛИКДА

***Тверь шаҳридаги «Киров кўчаси, 7» ХУМШда энергия таъминотини мақбуллаштириш юзасидан ўтказилган бир қатор тадбирлар 1999 йилда фойдаланишга топширилган мазкур уй таъминоти сарф-харажатларини 30 – 40 фоиз камайтириш имконини берди. Бу ерда уч йилдан буён яшаётган кишилар бинонинг тузилиши иссиқликни сақлаб қолиш имконини бермаслигини, иссиқлик беҳуда кетаётганлигини тушуниб етдилар. Шу сабабли мулкдорлар умумий йиғилишда уйдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини камайтиришга қарор қилдилар. Энергия ресурслари харажати жами сарф-харажатларнинг каттагина қисмини ташкил этаётганлиги сабабли йиғилиш иштирокчилари ишни ана шундан бошлашга қарор қилдилар.***

Ширкат бошқаруви вазиятни синчиклаб таҳлил этди. Энергияни тежаш тизимини йўлга қўйиш бир-бири билан боғлиқ иккита жабҳани, яъни келиб тушаётган ресурслар ҳисобини олиб бориш ҳамда улар истеъмоли ҳажмларини тартибга солиш ишларини қамраб олади. Янги уйда ҳар бир квартирага ва умумий йўсинда эса уйга ҳисоблагичлар ўрнатилган эди. Уларнинг ёрдамида ХУМШда коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ суммаси норматив бўйича ҳисоблаб қўйилганидан анчагина фарқ қиларди.

Коммунал сарф-харажатларни камайтиришда иссиқлик таъминотини таъминловчиларнинг сарфиёти ҳажмларини тартибга солиш кўпгина рўёбга чиқарилмаган имкониятлар борлигини кўрсатди. Ширкатнинг бир аъзоси йиғилишда уйга энергия ресурсларини тежашнинг замонавий тизимини ўрнатишни таклиф этди. Янги лойиҳа кўпларни қизиқтириб қўйди, лекин у каттагина чиқим талаб этарди. Уй аҳли бу масалани манфаатдорлик билан, қизғин муҳокама этди. Иссиқ ва совуқ сув учун тўланадиган ҳақ қанчага камайишини, қилинган сарф-харажат қанча муддатда ўзини оқлашини, шаҳар миқёсида бундай тизимдан фойдаланиш тажрибаси йўқлиги сабабли ана шу лойиҳани амалга оширишдан манфаат бор-йўқлигини эринмай ҳисоблаб чиқдилар.

Бу иш мулкдорларнинг ҳаммаси томонидан маъқуллангунга қадар хазилакам тер тўкилмади. Лойиҳани амалга оширишга 2004 йилнинг ёзида киришилди. Ҳар бир квартирадан 7 000 рубдан ажратиладиган бўлди. Керакли суммани бирйўла тўлашга қурби келмайдиганлар уни бўлиб-бўлиб тўлайдиган бўлдилар.



ХУМШ ускуналар ўрнатиш учун ихтисослаштирилган ташкилот билан шартнома тузди. Бинода иссиқлик сарфи устидан ўтказилган мониторинг бу борада ортиқча сарфлаш ҳоллари борлигини кўрсатди. Шундан кейин ширкатга элеватор боғламасини назорат қурилмаси ҳам бўлган бошқарилувчи электр қопқа билан алмаштириш таклиф этилди. Бу қурилма ҳарорат режимини ўзи бошқариб боради, заруратга қараб ҳароратни пасайтиради ёки кўтаради, бутун иситиш тизимининг иши кўрсаткичларини назорат қилиб туради. Янги ускуна тармоқда ҳарорат 150 даражага ва босим 16 атмосферага кўтарилишига чидайди.

Бошқа тизимлар ҳам шундай назоратга уланди. Натижада бир ярим иситиш мавсумида янги тизим ўзини тамомила оқлади. Тежаб қолинган пулларга ХУМШ электршчитларни реконструкция қилди. Шу зайил процессорга автомат ўрнатилди ва у умумфойдаланиладиган жойларда электрни мустақил равишда ёқиб ўчирадиган бўлди. Электр энергия ҳисобини олиб борадиган ҳисоблагич ўрнатилиб, умумфойдаланиладиган жойларда янги чиққан, энергияни тежайдиган лампочкалар ўрнатилгач, мулкдорлар ҳақиқий тежамга эга бўлдилар.

Мазкур уйда энергияни тежайдиган ускунани монтаж қилиш ва созлаш билан боғлиқ барча ишларни ширкат аъзоларидан бири назорат қилиб борди. Бу тизимни ишлатиш анча осон экан, унинг тузилишини билиб олиш ҳам қийинчилик туғдирмасди.

Янгиликнинг фойдасини уй аҳли тез орада аниқ сезди. Электр қопқа ва янги ҳисоблагичлар ўрнатилгач, коммунал харажатлар 30-40 фоизга камайди. Кутилмаганда янгиликнинг яна бир жиҳатдан наф бериши аниқланди: энергия борасидаги тежамкорлик фойдасини ҳис этган одамлар сувни тежаб ишлатадиган бўлдилар, эшикларга қоплама ўрнатиб, иссиқликнинг беҳуда кетиши олдини олдилар. Уйда эмин-эркин яшаш имконияти кенгайди. Энергия тежамкорлиги пулни иқтисод қилишдан ташқари қулайликлар келтириши борасида кўпчилик ўзига тегишли хулоса чиқарди.

Янгиланишларнинг биринчи босқичи муваффақиятли бўлганлиги яшаш шароитини янада яхшилаш юзасидан янги-янги тадбирлар ўтказишни рағбатлантирди. Умумий йиғилиш қарорига кўра иссиқлик боғламаси хонасида сувни тозалашнинг ўзи ювар механик фильтри ўрнатилди. Эндиликда уйнинг сув таъминоти тизими ва энергия тежовчи ускуналар лой, қум, қуйқа ва зангдан тамомила ҳимоя этилган. Тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан иссиқлик алмашинувчи нуқталарни реагентлар билан ювиш ишлари ўтказилди.

Энергияни тежаш билан боғлиқ лойиҳани амалга ошириш натижаларини якунлаб ХУМШ бошқаруви 2009 йилда уй миқёсида 47 906,4 рубль тежалганлигини аниқлади. Натижа ёмон эмас. Аммо улар тежаш имкониятлари шу билан поёнига етди деб ўйламаяптилар. Энергияни тежаш резервлари ҳисобкитобини аниқлаштириш, режалаштиришни пухта олиб бориш учун махсус компьютер дастури сотиб олинди. «Киров кўчаси, 7» ширкати бу ютуқларга шу уйда яшовчиларнинг фаоллиги туфайли эришди. Мулкдорлар ўзларини уйнинг чинакам соҳиби деб ҳис этганликлари сабабли ҳам уни батартиб сақлаш, шинамликни янада яхшилаш тадоригини қилмоқдалар.

***Хорижий матбуот материалларидан.***



***Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.***



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 48 (229) ● 2009 йил 30 ноябрь 9

# БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ КЕЙИНГА КЎЧИРИБ БЎЛМАЙДИ

## 1-КС (ОЙЛИК) ШАКЛ БЎЙИЧА – ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИНИ ТЎЛДИРИШГА ДОИР ТУШУНТИРИШЛАР

***1-КС шакли бўйича ҳисоботни* қурилиш пудрати шартномалари бўйича ишларни бажараётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар, уларнинг алоҳида бўлинмалари (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) тузадилар. Уни барча умумқурилиш ва ихтисослаштирилган ташкилотлар, шу жумладан таъмирлаш-қурилиш корхоналари; механизация бошқармалари; чуқур қидирув бурғулашини ҳамда нефть ва газ қидириш қудуқларини бунёд этиш билан боғлиқ бошқа ишларни, шунингдек капитал маблағлар ҳисобига барпо этиладиган нефть, газ ва термал сувларга доир фойдаланиш қудуқларини бунёд этадиган ишга тушириш, бурғулаш ташкилотлари тақдим этадилар. 1-КС шаклини буюртмачилар билан қурилиш пудрати шартномалари бўйича пудрат ишларини бажарадиган кўп йўналишли, шу жумладан фаолияти қурилиш соҳасига оид бўлмаган корхоналар ва ташкилотлар ҳам тўлдирадилар.***

Ҳисоботнинг 10-сатрида пудрат ишларининг ҳажми, шу жумладан **қўшилган қиймат солиғисиз** ҳақиқатдаги нархларда молиялашнинг барча манбалари ҳисобига бош, бевосита ва ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича ўз кучлари билан бажарилган, объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топшириш усулидаги қурилишлар кўрсатилади. Ушбу сатрда пудрат ишлари қиймати акс эттирилади, унга қурилиш-монтаж ишлари (янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш), капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда бошқа пудрат ишларининг қиймати киритилади.

Тош йўллар хўжалигининг корхоналари ва ташкилотлари 10-сатрда ўз кучлари билан бажарилган, автомобиль йўллари, йўлдан ўтказиш жойлари, автомобиль кўприклари, тунелларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва ўртача таъмирлаш бўйича пудрат ишлари ҳажмини акс эттирадилар. **Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш бўйича ишларнинг ҳажмлари тош йўллар хўжалигига киритилади ва 10-сатрга киритилмайди.**

12 ва 15-сатрларга мелиоратив тармоқ, гидротехник иншоотлар ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш объектларини жорий таъмирлаш, мелиоратив тизимларни жорий ва капитал таъмирлаш бўйича ишлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

17-сатрда 12 ва 15-сатрлардан аҳоли буюртмаси бўйича турар жойлар (квартиралар) ва бошқа иморатларни капитал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан электр, водопровод, канализация, иссиқлик ва газ тармоқларини таъмирлаш, якка тартибдаги уй хўжаликлари ҳудудида тегишли ускуналарни ўрнатиш бўйича тегишли маълумотлар ажратиб кўрсатилади.

18-сатрда 10-сатрдан **пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотларининг ўз кучлари билан** объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топшириш усули билан қуришда бажарилган ишлар ажратиб кўрсатилади, у пудратчининг лойиҳада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини бажариш, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш бўйича мажбуриятини назарда тутади. У тайёр қурилиш маҳсулотини барпо этишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади. Шунга эътибор бериш лозимки, 10 ва 18-сатрларда объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топшириш усулида қуриш бўйича бажарилган ҳажм **ускуналарни харид қилиш харажатлари ва бошқа капитал харажатларсиз** акс эттирилади.

23-сатрда (10-сатрдан олиниб) жисмоний шахслар билан тузилган, сотиш учун объектлар қуришга пудрат шартномалари бўйича бажарилган ишлар акс эттирилади. Унга **аҳоли учун якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича бажарилган ишлар киритилмайди.**

Қуйида 23-сатрда акс эттирилган ишларнинг ҳажми қурилаётган объект фаолият кўрсатадиган тармоқдан келиб чиқиб иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланади. А устунининг бўш сатрларига иқтисодиёт тармоғи, масалан, таълим объектлари, соғлиқни сақлаш объектлари, уй-жой қурилиши ва ҳоказолар ёзилади.

Пудратчининг ҳисоботида пудрат ишларининг бажарилган ҳажмини (шу жумладан объектларни фойдаланишга тайёр қилиб топшириш усулида қуриш бўйича ишларни) акс эттириш учун бажарилган ишларнинг қиймати ҳақида маълумотнома-ҳисобварақ-фактурадан фойдаланиш мумкин, у **ҳар ойда ҳисобот ойининг 28-кунигача бўлган муддатда** тузилади ва расмийлаштирилади. Бу эса пудратчи томонидан ҳисобот ойидан кейинги **ойнинг 2-кунидан кечиктирилмай ҳисобот тақдим этилишини** таъминлайди.

***Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маъмурияти.***

**Давлат статистика қўмитасининг АВ томонидан 2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан рўйхатдан ўтказилган «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига 70-илова.*

***ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ЭЪТИБОРИГА!***

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ЭСЛАТАДИ:**

Ўз кучлари билан қурилиш пудрати шартномалари бўйича ишларни бажараётган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига (кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) 1-КС (ойлик) шакли бўйича давлат статистика ҳисоботини (Қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоботни) **ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-кунидан кечиктирмасдан** юридик манзил рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман статистика бўлимларига тақдим этишлари зарур.

Кўрсатилган ҳисобот шаклларини Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базасида турадиган, ўз ҳолатларидан қатъи назар, юқорида саналган хўжалик юритувчи субъектлар: фаолият юритаётган, шаклланиш босқичидаги ёки вақтинча фаолият юритмаётган субъектлар тақдим этадилар, бундан тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар мустасно.

Статистик кузатувларни ўтказиш учун зарур ҳисоботларни тақдим этмаслик, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларига риоя этмаслик йўли билан давлат статистика ҳисоботини тақдим қилиш тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддаси билан белгиланган жавобгарликка олиб келади.

**Маълумот олиш учун телефонлар: 150-10-02, 150-10-03.**

*КАДРЛАР БЎЛИМИ*



# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЙЎҚОТСАНГИЗ ҲУЖЖАТНИ ТИКЛАШГА ШОШИЛИНГ

***Агар киши меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйса, бу фақат унга тааллуқли муаммодек бўлиб туюлади. Бироқ бу унинг ўша пайтдаги иш берувчисига ҳам тегишли. Чунки киши йўқолган меҳнат дафтарчасининг дубликатини беришни сўраб айни унга мурожаат қилиши керак.***

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно *(Меҳнат кодекси 81-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари)*. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ходим тўғрисида, уни ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади.

Меҳнат дафтарчасининг асосий амалий вазифаси – пенсия ҳисоблаб чиқарилаётганида меҳнат стажини тасдиқлашдир. Албатта, у, масалан, меҳнат шартномалари, суғурта бадаллари тўланиши тўғрисидаги маълумотномалар, бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин. Бироқ ўзларининг меҳнат шартномалари нусхаларини сақлаб юрувчилар кўп эмас, қолган маълумотномаларни йиғиш эса пенсияга чиқаётган киши учун оғирлик қилади.

### ЙЎҚОТИБ ҚЎЙГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Меҳнат дафтарчасини йўқотган киши бу тўғрида зудлик билан охирги иш жойига ёзма хабар бериши лозим. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(МВ ва ИТВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома)* 4.2-бандига мувофиқ хабарномадан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга биринчи бетини юқори қисмининг ўнг томонига «Дубликат» деб ёзилган ҳолда янги меҳнат дафтарчасини беради. Унга ходимнинг мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги умумий иш стажи ёзилади. Ушбу стаж ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг *(ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова)* 4-бандига мувофиқ, меҳнат стажини тасдиқлаш учун (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар стажи бундан мустасно) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар, уларнинг бажарганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади. Агар меҳнат стажини бундай ҳужжатлар билан, масалан, ташкилот тугатилганлиги туфайли, тасдиқлаб бўлмаса, шунингдек иш вақтини ҳисобга олиб бўлмаса, бундай давр Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даври тўғрисидаги маълумотномалар бўйича белгиланади. Барча ҳужжатларни меҳнат дафтарчасини йўқотган киши мустақил равишда тўплаши керак. Бироқ иш берувчи ходимга мазкур корхонага кирмасдан олдинги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатларни олишда ёрдам кўрсатиши шарт *(Йўриқнома 4.4-бандининг саккизинчи хатбошиси)*.

### ДУБЛИКАТ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Меҳнат дафтарчасининг дубликати Йўриқноманинг умумий қоидалари бўйича тўлдирилади.



«Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимининг 3-устунига, мазкур корхонага ишга келмасдан илгариги ишлагани тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи ёзилади. Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги умумий иш стажи жамланиб, яъни қайси корхонада, қайси даврда ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари умумий тарзда ёзилади. Масалан, бир иш жойида бошқа ишга ўтказилгани ва бошқалар кўрсатилмайди.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган умумий иш стажи меҳнат фаолиятининг айрим даврлари бўйича қуйидагича ёзилади:

2-устунда ишга қабул қилинган сана кўрсатилади;

3-устунда ходим ишлаган корхонанинг номи, цех ва лавозими ёзилади.

Агар тақдим қилинган ҳужжатларда ходимнинг мазкур корхонанинг ўзидаги бошқа доимий ишга ўтказилиши тўғрисида маълумот бўлса, унда бу тўғрида ҳам тегишли ёзув киритилади. Сўнгра 2-устунда меҳнат шартномасининг бекор қилинганлик санаси кўрсатилади, 3-устунда эса, агар ходим томонидан тақдим қилинган ҳужжатда тегишли маълумот бор бўлса, меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги ҳам кўрсатилади. 4-устунда дубликатга ёзув киритилиши учун асос бўлган ҳужжатнинг номи, рақами ва санаси киритилади. Дубликатни расмийлаштираётган иш берувчи, ходимнинг меҳнат стажини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан нусха олинганидан кейин, асл нусхаларини унинг эгасига қайтариб бериши шарт. Сўнгра дубликатга илгари чиқарилган буйруқлар асосида охирги иш жойидаги иш тўғрисида ёзувлар киритилади.

Йўриқноманинг 5.1-бандига мувофиқ меҳнат дафтарчасининг дубликатини беришда иш берувчи ходимдан энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олади. Дубликат берилганидан кейин иш берувчи Меҳнат дафтарчалари ҳисобини юритиш дафтарига тегишли белги қўйиши керак.

### ИШ БЕРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Меҳнат кодекси ва Йўриқномага мувофиқ меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлаш учун иш берувчи жавобгардир. Меҳнат кодексининг 188-моддасига кўра ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Меҳнат дафтарчасининг дубликатини беришни 15 кундан ортиқ муддат асоссиз тўхтатиб туришда ҳам ана шундай мажбурият юзага келади.

Меҳнат дафтарчаси фақат уни ходимга ишдан бўшатишда берган ҳолдагина иш берувчида бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, меҳнат дафтарчасини бошқа асослар бўйича, ҳатто тилхат олиб берганда, агар у йўқолса, иш берувчи жавобгар бўлади. Агар ташкилотда раҳбарнинг буйруғи билан ушбу ҳужжатларни ҳисобга олиш, бериш ва сақлашни юритишга ваколат берилган масъул шахс бўлса, айни у жавобгар бўлади. Агар бундай шахс тайинланмаган бўлса, бевосита ташкилот раҳбари жавобгар бўлади.

***Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юристи.***

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

**"AMIR-AUDIT" МЧЖ**

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИҲдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

**"OSIYO-AUDIT"** аудиторлик компанияси

"OSIYO-AUDIT" ЎзР МВнинг 29.02.2008 йилдаги 00124-сон лицензияси (1998 йилдан буён фаолият юритади). 500 млн сўмга суғурта полиси мавжуд.

**Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари**
**Барча турдаги аудиторлик хизматлари**

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади
Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru
Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус – (8-361) 350-40-35, Андижон – (+99897) 103-83-08, Бухоро – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Наманган – (+99869) 250-77-11, Навоий – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Қарши – (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона – (+99873) 502-95-74, Хоразм – (8-361) 350-40-35.

AFT **«KORIFEY-AUDIT» МЧЖ**

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари
Барча турдаги аудиторлик хизматлари
Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган

Тел. 276-75-57. Тел./факс 276-97-76. Уяли тел. 108-30-16.
E-mail: korifey_aft@mail.ru. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44, 404-офис ("Мирзо Улуғбек" м.б.) Бухоро: 8(365) 522-11-38, 658-53-41, Қарши 8(371) 705-09-41, Хоразм 8(362) 513-34-52, Термиз 8(376) 277-56-61

**Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази**

Хизматлар лицензияланган
Курслар ЎзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади
(ЎзР МВнинг 59-сон лицензияси)

**АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ - 200 соат**

**АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ - 60 соат**

Халқаро сертификатлаш дастури (САР) доирасидаги курслар

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1**

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1**

**СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ**
**АУДИТ**
**"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси - 60 соат**

ЎУМдаги барча ўқитувчилар САР ва ЎзР МВ сертификатлари соҳибларидирлар

pr_7-52-04

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
232-09-36, 733-41-51

TPS **РЕКЛАМА**
237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

## ЭЪЛОНЛАР

### СОТИЛАДИ

Сотаман. Цистерна – 10 м3, икки камерали сейф, ишлатилган.
Тел. 316-29-91.

### ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ

"1С: Бухгалтерия". Дастурлаш. Кузатув. Ўқитиш.
Тел. 748-50-91.

"Декларант-ПЛЮС" дастури. БЮДни тўлдириш, муҳрлаш, ДБҚга электрон нусхасини юбориш. Батафсил маълумотлар www.mind-system.narod.ru сайтида.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.*
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

Аудиторлик текширувлари. Бухгалтерия ҳисобини тиклаш.*
Тел. 176-23-13.

"SHARQIY MASLAK" аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувлари ўтказади, малакали хизматлар кўрсатади. Сертификатланган аудиторлар ва САРни ишга таклиф этади.*
Тел. 733-17-29, факс 250-37-75.

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш (натижаларга кўра ҳақ тўланади). Хўжалик, жиноят ишлари. "ASR ADVOKATI" АФ.*
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.
Мўлжал – "Тинчлик" м.б.

ADVOKAT ELITE. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш. Судлар.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.

### БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Баланслар. Маслаҳатлар.
Тел. 100-65-80.

### ХИЗМАТЛАР

Корхоналар учун умумий овқатланишни ташкил этамиз. Тўлов нақд пулсиз ҳисоб-китоб, терминал орқали амалга оширилади. Тел. 102-10-20.

"EVER-S" МЧЖ: принтерлар ва нусха кўчирувчи аппаратларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, лазерли принтерларни тўлдириш. Жойига чиқиш.
Тел. 337-59-17.

"EVER-S" МЧЖ: компьютерлар ва ташкилий техникани таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш. Дастурий таъминотни созлаш. Тел. 335-18-03.

"ANRENEXPERT SERVIS" МЧЖ сифатли ва тезкор равишда картрижларни тўлдиради, принтерлар, компьютерлар, ксероксларни таъмирлайди. Тел. 319-84-09.

Ҳужжатларни муқовалаш.
Тел. 340-64-02.

*Хизматлар лицензияланган.*

EPSON
EXCEED YOUR VISION

## Epson AcuLaser C9200N принтери янги модели: рангли лазерли босманинг маҳсулдорлиги ошиб, имкониятлар кенгаймоқда

2009 йилда Epson компанияси бозорда рангли лазерли принтернинг янги модели – **Epson AcuLaser C9200N** ни тақдим этди. Бу принтер турли хил ташувчилардаги юқори сифатли босма, катта тезлик ва универсал фойдаланишни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу хоссаларнинг бирикмаси янги принтерларни кўп соҳаларда, шу жумладан ўртача ва катта офислар, сотиш офислари, реклама агентликларида самарали қўллаш имконини беради.

**AcuLaser C9200N** принтери – **Epson** компаниясининг энг янги ишланмаси принтерларнинг иккита муваффақиятли модели: **AcuLaser C8600 ва AcuLaser C9100** нинг мантиқий давоми саналади. Ишончли ва қулай қурилмалар сифатида ўзини намоён этган бу моделлар босманинг электрографик усулини такомиллик даражасига етказган **Epson** энг янги технологияларини қўллаш ҳисобига дунёнинг кўпгина бозорларида янги модель сотилишига яхши асос яратди.

Шу сабабли **AcuLaser C9200N** принтери аввалги моделларнинг барча яхши жиҳатларини ўзида жамлаб, йирик ишчи гуруҳлар ва тезкор босма соҳасининг ҳужжатларни тезкор, сифатли ва мақбул нархда кўпайтириш талабларини инобатга олган, бунда *иш ҳужжатлари ва мураккаб график тасвирларни босишда энг юқори сифатни таъминлайди.*

**AcuLaser C9200N** принтери юқори босма тезлиги – **монохром ва рангли режимларда бир дақиқада 26 саҳифа;** ечимни яхшилаш технологияси – **Epson AcuLaser Color 4800 RIT** дан фойдаланганда **4800 dpi** гача босимнинг юқори дастурий ечимига эга; зичлиги **256 г/м гача** бўлган қоғознинг турли навларида яхши сифатли тасвир чиқаради; тармоқ версиясининг базавий комплекти билан таъминланган. Принтер бошқариш тилининг яхлит бир тўпламига эга – **PCL6, PCL 5c, Genuine Adobe™ PS3, ESC/Page, PDF 1.6, ESC/Page-Colour, ESC/Page, FX, ESCP2, I239X;** оқ-қора босма учун **21000**, рангли босма учун **14000** сиғимидаги катта захирали картрижлар билан таъминланган, бу эса принтерни мақбул босма қурилмаси сифатида қўллаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу қурилманинг ишончлилиги анча оширилган – Epson компанияси ойига босишнинг энг юқори ҳажми – **150000** саҳифани таклиф қилади. **AcuLaser C9100** модели сингари **AcuLaser C9200N** принтери ҳам узунлиги 1,2 метргача бўлган баннерларда босиш имконига эга, бу эса тезкор босма соҳаси учун муҳим афзалликдир.

**AcuLaser C9200N** принтерига иккита сервис маркази базасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Epson компаниясининг фирма кафолати берилади. Шу сабабли принтердан фойдаланишда Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги фойдаланувчиларда муаммолар юзага келмайди.

Ушбу принтерларни **Epson** компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ягона дилери – **«SyTeCo» ҚК** (Тошкент ш., А.Темур кўч., 62) сотмоқда.

Жорий йил сентябрь ойининг бошида республикамиз пойтахтида **Epson** нинг Россия ва Европадаги офислари вакиллари иштирокида дилер томонидан ўтказилган мазкур ускунанинг тақдимот маросими тезкор ва арзон рангли босма талаб қилинадиган бир қатор турли корхона ва ташкилотлар ушбу қурилмани харид қилишдан салмоқли манфаат кўришларини намоён этди. Уларга аввало ўқув марказлари ва таълим соҳаси корхоналари, реклама агентликлари, дизайнерлик студиялари, тезкор матбаа соҳаси, йирик савдо ташкилотлари, суғурта компаниялари, молия институтлари бўлинмалари киради.

**AcuLaser C9200N** принтерлари Тошкент шаҳри доирасида харидорга бепул етказиб берилади, жойда аппарат ўрнатилади, фойдаланувчига иш усуллари ва хизмат кўрсатиш бўйича йўл-йўриқ ва бошланғич таълим берилади, сотувдан кейин 12 ойга бепул фирма кафолати берилади.

**AcuLaser C9200N** принтерини **«SyTeCo» ҚК** намойиш залида босма чоғида мустақил синовдан ўтказиш мумкин, у Тошкент ш., А.Темур кўч., 62-уйда жойлашган (мўлжал: «Минор» метро бекати).



**«SyTeCo» ҚК 237-60-94, 237-60-95, 237-60-96, 235-74-00, 749-74-00 e-mail: info@syteco.uz**

## • РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 7 ноябрдаги 10-0904/17207-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги "КАШФИ АСРОР ЛТД" МЧЖ ҚКга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб М.Қурбонов тайинланган. Суд муҳокамаси 2009 йил 14 декабрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 10-сонли мажлислар залида кўрилади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 9 декабрь куни соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади.
Тел. 235-74-88.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 18 ноябрдаги 10-0914/16938-сонли ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги "JAM SHAR BARAKA" МЧЖ ҳамда 10-0914/16937-сонли ҳал қилув қарорига асосан "AL-QODIR-TMSIRB" ХК умумий соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ҳ.Қосимов тайинланган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва учбурчаклик штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 111-хонасига билдиришлари мумкин.

***

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 17 ноябрдаги 11-0906/17899-сонли ажримига асосан Тошкент туманида Давлат рўйхатидан ўтган "MEGATEH PLUS" МЧЖ банкротлик иши бўйича кредиторлар йиғилиши 2009 йил 30 ноябрь куни соат 9.00 да Тошкент туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Барча даъволар Тошкент тумани, Қ.Ғофуров кўчаси, 8-уй, Тошкент туман ДСИ биносида қабул қилинади.
Тел.: 150-59-58, 150-59-60.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 18 ноябрдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "1-Maxsus Qurilish Uchastkasi" | 10-0914/17543 |
| "Ўзсаноатқурилиш" | 10-0914/17544 |
| "Sobtul-Savdo" HF | 10-0914/17542 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 1 декабрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биносининг 416-хонасида бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2009 йил 2 декабрь соат 11.50 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 4-суд залида бўлади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 4 ноябрдаги 10-0906/15966-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги "Big story universal" МЧЖ ҳамда 10-0906/15972-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Osiyo savdo binokor" МЧЖ, 2009 йил 20 ноябрдаги 10-0906/16571-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Kredo exklusive progressus" МЧЖ ҳамда 10-0906/16570-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Lux Barkamol savdo" МЧЖ банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчиси этиб Б.Саидов тайинланган. Мазкур корхоналарга тегишли думалоқ муҳрлар ва учбурчакли тамғалар ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 45 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 18 ноябрдаги 10-0914/16936-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "MTS Servis Savdo" ХК (юридик манзили: Бешчинор кўчаси, 3-уй) ҳамда 2009 йил 6 ноябрдаги 10-0907/16127-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Sport Pofit" МЧЖ (юридик манзили: У.Носир кўчаси, 105-уй) банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Умарова тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 313-хонада қабул қилинади.
Тел. 250-70-87.

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46 факс 274-66-77





товар сертификатланган

ҚУВУРЛАР

полиэтилен

Н1366-1

d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра

монтаж билан

иссиққа чидамли
ва иссиқхона

ПЛЁНКАСИ

эни 20 см дан 200 см гача, қалинлиги буюртмага кўра

ЕЛИМ ёрлиқбоп

Шартномавий нархлар

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76



МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



TÜV CERT EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz


**Тошкент вилояти Янгийўл туманидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, банк муассасаларида ҳисобрақамлари очмаган, молия-хўжалик фаолиятини юритмаганлиги сабабли тугатиш ишлари бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР |
|---|---|
| "AVTOMOBILCHI-AZIM" ХК | 301017245 |
| "RAKAT OIL SERVIS" ХК | 301095539 |
| "MAG'RUR OSIYO" МЧЖ | 205526467 |
| "UMIRBOQIY KELAJAK" МЧЖ | 205730530 |
| "KIMYO-AGROPROGRESS" МЧЖ | 300637227 |
| "DONIYOR-ELYOR" МЧЖ | 300760258 |
| "MOBINA-DENTA" МЧЖ | 300813894 |
| "OLTIN G'ISHT" МЧЖ | 300824975 |
| "BAHOR-SUVCHI-PLYUS" МЧЖ | 300875177 |
| "TASHERKIN-FAYZ" МЧЖ | 301065639 |
| "SHER-QURILISH-FAYZ" МЧЖ | 301155731 |
| "YANGIYO'L JIVPLEM" МЧЖ | 301189673 |
| "YANGIYO'L BIZNES O'QUV MARKAZI" | 204709057 |
| "YADEM-TEXTIL" К/К KASABA UYUSHMASI | 206953030 |
| "ЮСУП" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ | 200927715 |
| "ILHOM ISHONCH BOG'I" ФХ | 300029373 |
| "DONIYOR SAHOVAT FAYZ" ФХ | 300420814 |
| "RAXMATILLA-MIRZO BARAKA" ФХ | 300471395 |
| "MOXIYDIL CHIROYI" ФХ | 300485575 |
| "ZAFAR-AKBAR BOG'BON" ФХ | 300756245 |
| "FAYZ-BARAKA-MUNIS" ФХ | 300844832 |
| "XUSAN BARAKALI BOG'I" ФХ | 300888310 |
| "NODIL OMAD NURI" ФХ | 300902284 |
| "SEYTMEMET BARAKA" ФХ | 300917068 |
| "MOVLONIY FAYZ" ФХ | 300975574 |
| "GULSARA SAVDO SERVIS" ХК | 300003034 |
| "YANGIYO'L TUMAN BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABI" | 206981812 |
| "ISLOM-FERUZA BIZNES" ХК | 300020189 |
| "FAYZ-RAVNAQ" ХИЧК | 300487059 |
| "ASADBEK-ASIL" ХК | 300575724 |
| "TANO-ABDUVOHID" ХК | 300578633 |
| "XONDAMIR-GULZODA" ХАК | 300596936 |
| "FARRUZ-SHOXRUX SAVDO" ХК | 300912043 |
| "ASQARBEK-MAVLONBEK" ХАК | 301166092 |
| "MAJNUNTOL FAYZ TAOMI" ХК | 301289350 |
| "MUHAMMADALI TOSHMATOV" ФХ | 300577326 |
| "O'TKIR-SULTON FAYZLI BOG'I" ФХ | 301351339 |
| "RAXMON ZIYODAXON FAYZI" ФХ | 300009058 |
| "UNIVERSAL TRANS MAKSIMUM" ШК | 300747525 |

Даъволар бўйича солиқ инспекциясига ёки 150-59-78 телефон рақами орқали мурожаат қилиш мумкин.

● РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яккасарой туманидаги тугатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|
| "ОРТИҚ ЭРМУҲАММАД" ХК | 10-0907/16876 | Ҳамза т., Толариқ кўч., 45 |
| "Yengilsanoat" ФК | 10-0907/16875 | Қушбеги кўч., 6 |
| "Metallurg Sifat" ХК | 10-0907/16874 | У.Носир кўч., 6 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхоналарга нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 4-қават, 312-хонада қабул қилинади. Тел. 215-79-53.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 23 ноябрдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "Al-Mansor LTD" MCHJ | 10-0914/17756 |
| "Bekzod-Sanjar" HF | 10-0914/17753 |
| "Tabris" HF | 10-0914/17754 |
| "Biofarm-Servis" HF | 10-0914/17755 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 2 декабрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биносининг 416-хонасида бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2009 йил 7 декабрь куни соат 11.50 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биносининг 4-қаватидаги 410-хонада бўлади.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 19 ноябрдаги ажримларига асосан Учтепа туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "Line east Fm" MCHJ | 10-0906/17433 |
| "Alfa Nur Global" MCHJ | 10-0906/17432 |
| "TT oil trade" MCHJ | 10-0906/17434 |
| "Gulomjon omad Baraka" MCHJ | 10-0906/17435 |

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Б.Саидов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 3 декабрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда. Тел.: 274-28-70, 275-95-10. Банкротлик иши Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Д.Р.Соатов томонидан 2009 йил 9 декабрь куни соат 11.20 ва 11.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида кўрилади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 26 ноябрдаги 10-0907/17179-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "BEXZOD FERUZA" ХК (Ивлева 2-тор кўчаси, 5а-уй) банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Мазкур корхона бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Умарова тайинланган. Ушбу корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 318-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 4 ноябрдаги 10-0907/16700-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "Osiyo maxsus qurilish" МЧЖ (юридик манзили: Мирахмедова кўчаси, 132-уй) банкрот деб эътироф этилган ва тугатув жараёни бошланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 4-қават, 317-хонада қабул қилинади.

Тел. 250-42-58.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 ноябрдаги 10-0913/14388-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "NEW STYLE" ҚК (СТИР 202653494; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 24.09.98 – 002941; ОКПО: 17058564) банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Ё.А.Раҳимов тайинланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2009 йил 18 декабрда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРХОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 347 Адади 4932. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2009 йил 26 ноябрда соат 20.30 да топширилди.*
*ISSN 2010-5223*